



Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ  
22 декабрь 2019 йил

ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг  
якуний ҳисоботи



Варшава  
2020 йил 13 май

## МУНДАРИЖА

I.	ЯКУНИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ .....	1
II.	МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР .....	5
III.	МАСАЛА ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ .....	5
IV.	САЙЛОВ ТИЗИМИ .....	7
V.	ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЕРИЙ АСОС .....	8
VI.	САЙЛОВ МАЪМУРЧИЛИГИ .....	10
A.	САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ .....	10
B.	САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ФАОЛИЯТИ .....	11
VII.	САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....	13
VIII.	НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....	15
IX.	САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ .....	17
X.	КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ .....	20
XI.	МЕДИА .....	22
A.	ҲУҚУҚИЙ - МЕЪЕРИЙ АСОС .....	22
B.	МЕДИА МУҲИТ .....	23
C.	КАМПАНИЯНИ ЁРИТИШ .....	23
XII.	МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАР ИШТИРОКИ .....	25
XIII.	ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР .....	26
XIV.	ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ .....	26
XV.	САЙЛОВ КУНИ .....	28
A.	МУДДАТДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ .....	28
B.	УЧАСТКАЛАР ОЧИЛИШИ ВА САЙЛОВ ЖАРАЁНИ .....	28
C.	ОВОЗ САНАШ .....	30
D.	ОКРУГ БЎЙИЧА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА НАТИЖАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ .....	31
XVI.	ТАВСИЯЛАР .....	31
A.	БИРЛАМЧИ ТАВСИЯЛАР .....	31
B.	БОШҚА ТАВСИЯЛАР .....	33
	<b>ИЛОВА 1: ЯКУНИЙ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ .....</b>	<b>36</b>
	<b>ИЛОВА 2: САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ ХАЛҚАРО МИССИЯСИ ТАРКИБИДАГИ КУЗАТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>37</b>
	<b>ДИИХБ ҲАҚИДА .....</b>	<b>45</b>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ  
22 декабрь 2019 йил**

**ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг  
якуний ҳисоботи<sup>1</sup>**

**I. ЯКУНИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссиясининг (МСК) таклифига биноан ЕҲХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуqlари бўйича бюроси (ДИИХБ) 2019 йил 22 декабряда бўлиб ўтган парламент сайловларини кузатиш мақсадида Сайловни кузатувчилар миссиясини (СКМ) ташкил этди. ДИИХБ СКМ сайловлар ЕҲХТ мажбуриятлари ва бошқа демократик сайловлар борасидаги халқаро мажбуриятлар ва стандартларга, миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганилигини баҳолади. Сайлов кунини кузатиш мақсадида ДИИХБ СКМ ҳамда ЕҲХТ Парламент Ассамблеясининг кузатувчилар делегациясидан иборат Сайлов кузатувчиларнинг халқаро миссияси (СКХМ) шакллантирилди. 2020 йилнинг 5 январида 150 парламент округидан 25 тасида тақрорий сайловлар ўtkазилган. ДИИХБ бу тақрорий сайловларни кузатмаган.

2019 йил 23 декабрь куни СКХМ эълон қилган Дастребки натижалар ва хулосалар Баёнида сайловлар “такомиллашган қонунчилик асосида ва мустақил фикрга кўпроқ толерантлик асосида ўтказилди, аммо уларда ҳақиқий рақобат ва сайлов куни қоидаларига тўлиқ ҳурмат кузатилмади. Сайловлар амалга оширилаётган ислоҳотлар давом этиши, уларга фуқаролар даражасида ташабbus учун имкониятлар ҳамроҳ бўлиши кераклигини намойиш этди. Рақобатчи партиялар ўз сиёсий дастурини тақдим этди, ОАВда аксарияти жонли эфир орқали дебатлар бўлиб ўтди, лекин кампания қоидалари ҳамон чекловчидир ва сиёсий танлов доираси чекланганлигига қолди. Сўз эркинлигига тоқат ошган лекин мустақил бирлашмалар кам. Афсус, янги қонунчилик ва сайловларга тайёргарлик кўриш, уларни ўтказишнинг такомиллаштирилган механизми овоз бериш ва санаш жараёнини яхшиламади, халқаро кузатувчилар овоз санаш жараёнida йўл қўйилган жуда кўп жиддий қоидабузарликлар ва муҳим тартибларга эътиборсизлик ҳақида хабар берди” деб хулоса қилинган эди.

Парламент томонидан 2019 йилнинг июнида янги қабул қилинган Сайлов Кодекси ДИИХБнинг бир қатор аввалги тавсияларини ўз ичига олган ва сайлов қонунчилигини ЕҲХТ қоидалари, бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга яқинлаштирган. Ҳусусан парламентда депутатлик ўринларини сайловсиз берилиши бекор қилинган, овоз берувчилар сони жиҳатидан сайлов округлари тенглаштирилган, сайловчиларнинг бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо кўйиш ҳуқуки таъминланган. Илк бор қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоқка олинган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Бироқ баъзи ҳуқуқий нормалар, айниқса сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар ЕҲХТ мажбуриятлари ва халқаро намунавий амалиётга ҳамон зидлигича қолмоқда. Умуман олганда, демократик сайловлар учун муҳим бўлган фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишга

<sup>1</sup> Ушбу ҳисботнинг факат инглиз тилидаги версияси расмий ҳужжатdir. Норасмий таржима ўзбек ва рус тилларида мавжуд.

доир қонунлар ва қонун ости хужжатлари ҳамон ушбу ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини ортиқ даражада чекламоқда.

Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) парламент сайловларини янгича ташкиллаштирида барча имкониятларини ишга солди. Эътирофга сазовор ўзгаришлар, жумладан округдаги сайловчиларнинг ўртача сонини тенглаштириш мақсадида сайлов ҳудудлари чегараларининг тубдан ўзгариши, Сайлов Кодексини амалиётга тадбиқ қилишга ёрдамлашувчи қўшимча қатор МСК қарорлари чиқарилганлиги, ногиронлиги бор шахслар учун қулайликлар яратилгани, минглаб сайлов участка аъзоларини ўқитилгани, сайловчилар мунтазам хабардор қилинишидан иборатdir. Лекин бу харакатлар кутилган яхшиланишга олиб келмади, сайлов куни амалиётларининг барча даражасида кўп сонли ва жиддий қоидабузарликлар давом этди. Участка сайлов комиссиялари (УСК) овоз бериш ва санаш қоидаларга амал қилмади, сайлов маъмурияти қоидабузарларга қарши жазо чораларини кўрмади.

Сайловчиларни рўйхатга олиш пассив бўлиб, сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган яшаш жойларидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлар. Бу сайловларда илк бор марказлашган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан (СЯЭР) фойдаланилди. У қайта-қайта овоз беришни камайтириш ва сайловчилар қамровини анча кенгайтиришни олдига мақсад қилиб қўйган эди. Лекин МСК сайловчилар рўйхатини текширишдан аввал сайловчиларни рўйхатга олиш борасидаги маълумотларни ошкор қилмади, бу эса рўйхатга олиш жараёнининг шаффоғлигини камайтирди. Сайлов куни сайлов рўйхатидан ўз маълумотини топа олмаган сайловчилар ўзларининг мазкур участка ҳудудида яшашларига далил келтирган ҳолда ўз овозларини беришлари мумкин бўлди, бу кўпроқ одамга сайлаш имкониятини бериш мақсадида қилинган бўлса ҳам, сустеъмолнинг олдини олиш қийин бўлгани учун халқаро намунавий амалиётга зиддир. Фуқарони бир нечта сайлов участкасида овоз беришини олдини олиш чоралари тизимли кўлланмагани боис баъзи фуқаролар истаганча овоз бериши мумкин бўлди.

Давлат рўйхатидан ўтган бешта сиёсий партияларнинг барчаси МСКга қўллаб-қувватловчи имзоларни тақдим этгач, уларга сайловда ўз номзодларини илгор суришга ижозат берилган. МСК рўйхатига олиш жараёни сайловчилар бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишиларига рухsat берилгандан сўнг енгиллашди. Лекин, қонунчиликда имзо варақаларининг МСК томонидан тўғри тўлдирилганлигини аниқлашнинг ҳамда имзо варақаларини ҳақиқий эмас деб асослашнинг аниқ, шаффоғ тартиби белгиланмаган. МСК 150 сайлов округининг ҳар биридан 5 нафардан, жами 750 нафар номзодни рўйхатга олди. Олти нафар номзод сайлов кунига яқин сайловни тарқ этди, бу ўз навбатида сайлов бюллетенларни қайта чоп этиш ёки улардаги чиқиб кетгандарнинг маълумотларини қўлда ўчиришга олиб келди.

Парламентнинг сўнгги чақириғида аёллар Қонунчилик палатасининг 24 нафар (16 фоиз) аъзосини ташкил этган. 2019 йилда барча партиялар номзодларнинг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлиши лозимлиги ҳақидаги қонун талабини бажарган. Партиялар жами 41 фоиз (310 нафар) аёллар номзодини берди, шулардан 48 нафари (32 фоиз) депутат этиб сайланди, бу икки баробар ўсишдир. 2019 йилда МСК аъзолари сафидаги аёллар сони 3 дан 7 нафаргача ўси, УСК аъзоларининг ярмисидан кўпи аёллар эди, лекин шуларнинг фақатгина учдан бир қисми УСК раиси бўлган. Гендер тенглик масалалари сайловолди кампанияси мобайнида унчалик мухим мавзуга айланмаган, ОАВ диққати асосан эркак номзодларга тортилган.

Сайловолди кампаниясида партия ва номзодлар фаолиятига кенгрок сиёсий майдон берилган, лекин МСК қарорлари сайлов кампаниянинг қолиплашган, ўта муфассал доирасини яратди.

Сайлов шартларининг тенглиги борасидаги талабнинг тор талқини партия ва номзодлар ўзларига хос индивидуал кампания стратегияси ва услубини белгилашда чеклади.

Сайлов Кодексига кўра, беллашаётган номзодлар сайловчилар билан учрашувларини сайлов маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этиши зарур. Номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлар асосан маҳаллий даражадаги тадбирлар билан кифояланиб қолган, партиялар катта сайловолди тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишга ҳаракат қилмади. Чекланган молиявий маблағлар тарғибот кампанияси жамоат ҳаётида унчалик сезилмаганига сабаб бўлиши мумкин. Кузатувчилар сайловолди тарғибот тадбирлари, материаллари ва услубларининг юқори тарзда бир-бирига ўхшаб кетишини, номзодларда ўзига хос тарғибот ёндашувларининг мавжуд эмаслигини таъкидлаган. Умуман олганда, партия ва номзодлар ўз рақиблари билан ҳаққоний рақобатга киришмади. Шунга қарамай, барча сиёсий партиялар уларга берилган сайловдаги имкониятлардан мамнун эканлигини билдирган.

Қонунчиликда партия ёки унинг номзодининг сайловлар, хусусан сайловолди кампанияси билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлари давлат бюджетидан қопланиши шартлиги белгиланган. Сиёсий партиялар ёки уларнинг номзодларини сайловда шахсий манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш тақиқланади. МСК томонидан номзодларга ажратилган маблағ микдори фақатгина майда ҳаражатларни қоплайдиган даражада бўлиб, қўшимча тарғибот воситаларини сотиб олиш ва сайловчилар орасига кўпроқ кириб бориши имконини чеклади. Сайлов билан боғлиқ молиявий ҳисобдорлик ва тафтиш қоидалари шаффоғ эмас.

Фикр ва сўз эркинлигига ҳурмат ошган шароит натижасида ОАВ кампанияни кенгрок ёрита олди. Сайлов кодекси ОАВ эфир вақти, нашр майдони ҳамда бошқа талаблар барча партиялар учун тенг ва бир хил бўлишини таъминлайди. Мониторинг натижалари шуни кўрсатди, давлатга тегишли телеканаллар барча партияларга тенг эфир вақтини ажратган, лекин хабарлари асосан президент фаолиятига бағищланган. Хусусий телеканалларда сайлов кампанияси кенг ёритилмаган. Илк маротаба давлатга тегишли ва хусусий телеканаллар орқали партиялараро дебатлар узатилди, аксарияти жонли тарзда. Лекин фақатгина сайлов кампаниясининг охирларига келиб анаънавий ОАВ журналистлари дебатларда кўтарилаётган мавзуларни ёки партия сайловолди дастурларини таҳлил ва муҳокама қилаётгани кузатилди.

Миллий озчиликлар масаласи сайловолди кампаниясининг кун тартибида ўрин олмаган ва СКХМ кузатувчиларининг хабар беришича, сайлов кампанияси жараёнида миллий озчиликларга нисбатан салбий муносабат ёки камситувчи ҳаракатлар кузатилмади. Барча партиялар миллий озчиликлар вакили бўлмиш номзодларга эга, СКХМга партиялардаги сухбатдошларнинг маълум қилишича, улар ўз тарғибот ва ташвиқот материалларини бошқа тилларда ҳам чоп этган. Баъзи округларда бюллетенлар рус ёки қорақалпок тилида нашр этилган. МСК хабарига кўра, бу сайловларда Қонунчилик палатасига сайланган депутатларининг 20 нафари (13 фоизи) миллий озчиликларга мансуб.

Сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида шикоят қилиш борасидаги ҳуқуқий нормалар умуман олганда шикоятларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор чиқариш учун муносаб асос яратган. Лекин шикоят қилишнинг икки йўли (суд ёки юқори турувчи сайлов комиссияси) кўзда тутилганлиги англашмовчиликка олиб келиши, комиссиялар билан судларни такорий шикоятлар билан банд қилиб қўйиши, бир хил бўлмаган ва бир-бирига зид қарор ва ҳукмлар чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин. МСК кўпгина ёзма мурожаатларни олган, уларни тегишли мутассадиларга юборган. Бу

мурожаатларнинг аксарияти МСК ёки суд қарорини талаб қилмагани учун, бу хукукий механизм ҳали амалиётда деярли синалмаган.

Мутассадилар кўпгина ҳалқаро кузатувчиларни аккредитациядан ўтказди. Сайлов жараёнини кузатиши хукуқига партия кузатувчилари эга, бошқа хусусий ташкилотлар ёки алоҳида фуқаролар учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти кўзда тутилмаган, бу эса мустақил назорат имконини камайтиради. Сайлов кодексида сайлов жараёнини жамоат кузатувчиси кузатиши белгилаб берилган, лекин бу мақом фақатгина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш ва сайловолди жараёнининг турли босқичларида қатнашган “Маҳалла” қўмиталаридан кузатувчилар билан чекланган. Расмийлар “Маҳалла” қўмиталарига фуқаролик жамиятининг институти сифатида караса ҳам, ДИИХБ СКМнинг баъзи сухбатдошлари бу институтни маҳаллий жамоавий назоратининг бир тури сифатида таърифлаган. “Маҳалла” қўмиталари УСК аъзолигига номзод таклиф этишдаги ролидан ташқари, сайлов участка чегарасини белгилашда, сайловчилар рўйхатини тузишда ва текширишда, сайловолди тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатади, унинг бу кўп қиррали фаолияти мустақил кузатувчи сифатида фаолиятига таъсир қилиши, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин.

Сайлов жараёни асосан тинч муҳитда ўтди, лекин умуман олганда, кузатувларнинг 14 фоизида овоз бериш жараёни салбий баҳоланди, бу жиддий процедурал камчиликларга ишорадир. Сайловчиларга қаратилган мунтазам тренинг ва фуқаролик таълимига қарамай, кузатилган жиддий камчиликлар қўйдагилардан иборатдир: бир одам бир неча бор ва бошқалар номидан овоз бериши, ҳужжатларсиз овоз беришга имкон берилгани, сайлов куни рўйхатдан ўтган сайловчи бошқа сайлов участкасида ҳам рўйхатдан ўтганлигини текширмаслик. Сайловчилар овозини санаш жараёни 43 фоиз хисботларда салбий баҳоланди. Кузатув олиб борилган сайлов участкаларининг деярли ярмисида, УСКлар белгиланган овоз санаш тартибга риоя қилмади. Овоз санашдаги жиддий камчиликлар қўйдагилардан иборат: УСК аъзоси бўлмаган шахслар овоз санаш жараёнига аралашган; овозларнинг ҳақиқий эканлигини белгилашдаги номунтазамлик ва асоссизлик; олдиндан имзоланган якуний баённомаларга натижаларни киритиш; баённомада натижаларни атайлаб соҳталаштириш ҳамда якуний баённома нусхасини жамоатчилик учун осиб қўймаслик. Қонунчиликда талаб қилинганидек, овозлар саналгандан сўнг баъзи УСКлар якуний баённомани тўғри ОСКга олиб бормади. СКХМ кузатган 94 ОСКдан 15 тасида округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёни салбий баҳоланганди. Кузатилган ОСКларнинг ярмидан кўпроғида УСК аъзолари тўлдирилмаган якуний баённомани ОСК биносида тўлдираётганини ёки санаш жараёнидан кейин УСКда якуний баённомага киритилган маълумотларни ўзгартираётгани хабар қилинган, бундай қилишга ОСКларнинг расмий қарори мавжуд бўлмаса ҳам. 74 фоиз кузатувларда ОСКлар УСК баённомаларида хато топган.

Ушбу хисботда Ўзбекистонда демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа ҳалқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлалигича мувофиқ бўлмиш сайловларни ўтказиш борасидаги харакатларни қўллаб-куватлаш мақсадида бир қатор тавсиялар кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда. Бирламчи тавсиялар чинакам сиёсий рақобатни, сиёсий ва ижтимоий ўюшиш, йиғилиш ва фикр билдириш эркинликларини тўлиқ таъминлашга, сайлов жараёнида мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириш имконияти берилишига, сайлов ҳамда овоз санаш жараёнининг ҳалоллигини оширишга, округ ва сайлов участкаси қатламидаги дастлабки ва якуний сайлов натижаларини ўз вактида чоп этиш орқали шаффофликни оширишга тегишли қонун ва қарорлар қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилишига доир. ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги

ҳисоботларда берилган тавсияларга амал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият органлариға ёрдам беришга тайёр.

## II. МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР

Марказий сайлов комиссиясининг (МСК) расмий таклифи асосида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳукуклари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 25 ноябрь куни Сайловни кузатувчилар миссияси (СКМ) ни ташкил этди. Элчи Тана де Зулуета бошчилик қилган СКМ Тошкент шаҳрида жойлашган 11 кишидан иборат асосий жамоа ҳамда 3 декабрдан минтақаларга чиқсан 30 кишидан иборат узок муддатли кузатувчилар (УМК)дан ташкил топган.

ДИИХБ СКМ сайловлар ЕХХТ қоидалари ва бошқа демократик сайловлар борасидаги ҳалқаро мажбуриятлар ва стандартлар, миллий қонунчиликка мувофиқ ўтганлигини баҳолади. Ушбу якуний ҳисобот 2019 йил 23 декабрь куни эълон қилинган Дастраски натижалар ва холосалар Баёнига асослангандир.

Сайлов кунини кузатиши мақсадида ДИИХБ СКМ ҳамда ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг кузатувчилар делегациясидан иборат Сайлов кузатувчиларнинг ҳалқаро миссияси (СКХМ) шакллантирилди. ЕХХТнинг амалдаги раиси ЕХХТ ПА президенти Георгий Церетелини ушбу сайловларда ЕХХТнинг маҳсус мувофиқлаштирувчиси ва ЕХХТ қисқа муддатли кузатувчилар миссиясининг етакчиси этиб тайинлади. СКХМ доирасида сайлов куни 37 давлатдан 316 кузатувчи иштирок этди. ДИИХБ СКМ мамлакатда 29 декабр кунигача бўлган.

ДИИХБ СКМ Марказий сайлов комиссиясига сайловни кузатиши учун юборган таклифи, Ташқи ишлар вазирлиги ва МСКга қўрсацган ёрдамлари ва ҳамкорлиги учун ўз миннатдорчилигини билдиради. Шунингдек СКМ қўрсацган ҳамкорликлари ва билдирган фикри учун бошқа марказий ва маҳаллий давлат муассасалари, сиёсий партиялар, ОАВ ва блогерлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамда ҳалқаро ҳамжамият вакилларига ўз миннатдорчиликларини изҳор этади.

## III. МАСАЛА ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

20 сентябрь куни МСК Олий Мажлиснинг қуий палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов 22 декабрь куни бўлиб ўтишини эълон қилди.<sup>2</sup> Олий Мажлиснинг қуий палатаси бевосита сайланадиган 150 та аъзодан иборат. Бу парламент сайловлари ташаббускори президент Шавкат Мирзиёев бўлмиш 2017-2021 Тараққиёт стратегияси контекстида ўтди. Стратегия Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жабхаларини ислоҳ қилишга қаратилган. Ҳусусан, Стратегиянинг сиёсий жабхасида кўзда тутилган ислоҳотлар парламент ва сиёсий партиялар аҳамиятини ошириш, давлат ва жамият бошқарувини (шу жумладан, медиа ва фуқаролик жамиятини) такомиллаштириш, қонун устиворлиги ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган. Президент ортга қайтмайдиган янгиланиш ва демократлаштириш жараёнлари деб баҳолаган бу ислоҳотлар босқич татбиқ этилмоқда.

<sup>2</sup> ДИИХБ СКМ факатгина 22 декабрь куни бўлиб ўтган парламент сайловларини кузатган лекин маҳаллий вакиллик органларига парламент билан бир пайтда сайлов ўтказишнинг таъсирини ҳам баҳолаган.

Сайловлар "Янги Ўзбекистон – янги сайловлар" шиори остида ўтказилди ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим бир қисми сифатида эътироф этилди. Сайловлар арафасида ўз фикрини бемалол баён этаётгандар, кўп бўлмаса ҳам, мавжуд эди ва тобора дадиллашаётган эдилар. Баъзи фуқаролар ижтимоий тармоқ ва блогларида сиёсий қаравшларини эркинроқ билдиришни ўзига эп кўрди. Умуман олганда, ушбу даврда фуқаролар ўз эътиrozларини билдиришига, сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатларини муҳокама қилишига кенгроқ имкон яратилди, расмийлар ҳам танқидга, ҳусусан давлат идораларини танқид қилинишига кўпроқ бағрикенглик кўрсатдилар. Лекин, йиғилиш эркинлиги борасидаги баъзи қоидалар енгиллаштирилган бўлса ҳам, оммавий норозилик, ҳусусан ижтимоий медиада билдирилган норозилик таъкиб ва ҳатто қамоқ билан тугаши мумкин. Шунингдек, кенг кузатув имкониятларига эга бўлган хавфсизлик аппарати ҳамон ўз жойида ва фуқаролар феъл-авторига таъсир қилмоқда.

Конституцияда президентга кенг ваколатлар берилган. Давлат раҳбари ижро этиш юзасидан республиканинг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариши орқали парламент билан бир қаторда қонунчилик ташаббусига эга. 2014 йилда, Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилишининг киритилиши орқали парламентнинг роли кучайтирилган эди. 2019 йил мартада Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Қонунчилик палатаси маъкуллашини ва кейин президент томонидан тасдиқланишини кўзда тутадиган яна бир ўзгартириш киритилди. Бу ҳокимиятлар бўлинишидаги мувозанатда эҳтимолий катта ўзгаришларни англаради. Лекин бу ўзгаришларга қарамай, муддати тугаётган чақириғдаги Қонунчилик палатаси 108 аъзодан иборат, 42 нафар аъзоси ижроия ҳокимиятдаги турли лавозимларга ишга ўтган эди. Бўшаб қолган ўринларга такрорий сайлов ўтказилмаган.<sup>3</sup> Умуман олганда, аёллар сиёсат ва жамият ҳаётида етарлича ўрин олмаган. Аёллар аввалги чақириғдаги Қонунчилик палатасининг аъзоларининг 16 фоизини, Сенат аъзоларининг 17 фоизини ташкил этган.

2014 йилнинг 21 декабрида 135 ўринга бўлиб ўтган парламент сайловларида Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси (ЎзЛиДП) 52 ўрин, "Миллий Тикланиш" Ўзбекистон Демократик Партияси (ЎДП) 36 ўрин, Халқ Демократик Партияси (ХДП) 27 ўрин ҳамда "Адолат" Ўзбекистон Социал Демократик Партияси (СДП) 20 ўрин олган эди. Ўша пайтдаги қонунчиликка кўра, Қонунчилик палатасидаги 15 ўрин Ўзбекистон Экологик Ҳаракатига ажратилган.<sup>4</sup>

Рўйхатдан янги сиёсий партия, Ўзбекистон Экологик партияси (ЎЭП) ўтказилган бўлса ҳам, 2003 йилдан бери бошқа янги сиёсий партия рўйхатдан ўтказилмаган, сайловчиларга берилган сиёсий танлов имкони асосан ўзгармаган.<sup>5</sup> 2014 йилдаги сайловлардан кейин парламентдаги партиялар кўпчилик ва озчилик блокларини тузган, лекин уюшган ҳақиқий сиёсий муҳолифат мавжуд эмас, ҳозирча партияларнинг ҳеч қайси бирини президентга муҳолиф деб бўлмайди. Аксинча, бешта партиянинг барчаси президент сиёсатини қўллаб-қувватлади, улардан ҳеч қайси бири президент

<sup>3</sup> 2017 йилда президент парламент фаолияти самарасиз эканлигини танқид қилган. Президент маълум қилишича, 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир.

<sup>4</sup> 2019 йилнинг 22 январида Ўзбекистон Экологик партияси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган. ЎЭХ фаолият юритишида давом этмоқда, лекин унинг раиси ва раҳбарияти ЎЭПга раҳбарлик қилмоқда.

<sup>5</sup> ЎзЛиДП 2003 йилда тузилган, 2008 йилда "Миллий Тикланиш" партияси билан "Фидокорлар" партияси кўшилишидан янги "Миллий тикланиш" партияси тузилган. 2019 йилнинг июнь ойидаги "Эзгулик" инсон хукуклари гурухи ўз Facebook саҳифасида Ўзбекистон президентига, Олий Мажлис раҳбариятига, Адлия вазирига ва Омбудсманга мурожаат килиб, сиёсий партияларни рўйхатдан ўтказиш талабларини юмшатишга чақирган.

сиёсатига муқобил сиёсатни таклиф қилмайди. Сиёсий плюрализмнинг даражасининг чекланганлиги, ҳусусан чинакам сиёсий муҳолифатнинг мавжуд эмаслиги 2019 йилдаги сайловлар фарқли сиёсий дунёқарашдаги партиялар ўртасида ҳақиқий беллашув бўлмаганини англатади.<sup>6</sup>

Сайловолди даврида маҳаллий сайлов маъмурияти, фуқаролар йигинлари ва маҳаллий ҳокимликлар одатда партия вазифаси бўлмиш муайян роль ва функцияларни ўз бўйнига олган.<sup>7</sup> Расмийлар “Маҳалла” қўмиталарига фуқаролик жамиятининг институти сифатида қараса ҳам, уларга ҳукуматнинг баъзи ваколатлари берилган, ДИИХБ СКМ баъзи сұхбатдошлари бу институтни маҳаллий жамоат назоратининг бир тури сифатида таърифлаган.

#### IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Олий Мажлиси ваколат муддати беш йил бўлмиш икки палатадан — Конунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат бўлиб, олий давлат вакиллик органи ҳисобланади. Сенат 100 нафар аъзога эга, улардан 84 нафари билвосита Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг аъзолари орасидан сайланади. Колган 16 нафари президент томонидан тайинланади. Конунчилик палатасига аъзолар 150та бир-мандатли мажоритар сайлов округларидан бевосита сайланади. 2014 йилдаги парламент сайловларидан фарқли ўлароқ, 2019 йилдаги парламент сайловларида, ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқ, Конунчилик палатасидаги барча 150 нафар депутат тўғридан-тўғри сайланди.<sup>8</sup>

Сайлов округларининг сони 135дан 150га чиққани сайлов худудлари чегараларини тубдан ўзгартиришни тақозо этди.<sup>9</sup> Барча округларнинг чегараси 12 вилоят, Қорақалпоғистон республикаси ва Тошкент шаҳри чегараларининг доирасидадир.<sup>10</sup> Тенг овоз бериш тамойилига мувофиқ, Сайлов Кодекси сайлов округларидағи сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг қўп четга чиқиши ўн фоиздан ошмаслигини талаб этади.

Биринчи раундда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан қўпининг овозини олган номзод ғолиб деб топилади; улардан ҳеч бири сайланмаса, энг қўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда икки ҳафталик муддатда такрорий овоз бериш ўтказилади. Сайлов, агар унда республикадаги сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади.

<sup>6</sup> 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 3-параграфи сиёсий ташкилотлар борасида плюрализм заруратини ургулайди.

<sup>7</sup> Маҳалла ўзбек жамиятининг анаънавий институти бўлиб, ҳозирда давлат ва жамият ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида фаолият юритмоқда. Маҳалла институти 1993 йилдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари тўғрисидаги қонун билан расмийлаштирилган. Маҳалла карорларини бузиш ҳукукий оқибатларига олиб келиши мумкин

<sup>8</sup> Копенгаген Хужжатининг 7.2-параграфида ЕХХТга аъзо давлатлар “Миллий парламентнинг энг камида битта палатасида барча ўринлар тўлалигича халқнинг овоз бериши асосида тақсимланишини таъминлаши” лозимлиги кўрсатилган.

<sup>9</sup> Янги округ чегаралари МСКнинг 2019 йил 7 октябрдаги 954-қарори билан расмийлаштирилган.

<sup>10</sup> Хар бир вилоятда округлар сони 4 тадан (Сирдарё) 17 тагача (Фарғона).

## V. ХУҚУКИЙ-МЕЪРИЙ АСОС

Ўзбекистон ҳакиқий сайловларни ўтказиш учун муҳим бўлмиш асосий эркинликларни кафолатлайдиган инсон ҳуқуqlари борасидаги бир неча халқаро хужжатларга қўшилган.<sup>11</sup> Парламент сайловларининг қонуний базаси сўнгти марта 2019 йил сентяброда ўзгартиришлар киритилган Конституция (1992), 2019 йил июнидан кучга кирган янги Сайлов кодекси, 1996 йилдаги “Сиёсий партиялар тўғрисидаги” қонун (2019 йил октяброда ўзгартиришлар киритилган), 2004 йилдаги “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги” қонун (2019 йил декабрида ўзгартиришлар киритилган), Жиноят Кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси (иккисига ҳам сўнгти ўзгартиришлар 2019 йил нояброда киритилган), президент қарорлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорларидан иборат. МСКнинг сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид қарор ва норматив хужжатларидан норматив хужжат мақомида бўлиб, ижроси мажбурийdir.

Сайлов қонунчилиги 2019 йилда салмоқли тарзда ўзгарди. Тарқоқ бешта қонун ва қўплаб қонуности хужжатларини ўзида мужассамлаштирган ягона Сайлов кодекси қабул қилинганлиги сайлов қонунчилигининг тушунарлигини ва шаффоғлигини оширган.<sup>12</sup> Ушбу Сайлов Кодексини ишлаб чиқиш жараёнида ўзбек томони ДИИХБнинг аввалги муайян тавсияларини кўриб чиқкан, ДИИХБ билан ўзаро манфаатли муроқотда бўлган ва ДИИХБ, Европа Кенгашининг Қонунлар орқали демократия Комиссиясининг (Венеция Комиссияси) лойиха ҳакидаги фикрини сўраган.<sup>13</sup>

Сайлов Кодекси ДИИХБнинг бир қатор аввалги тавсияларини ўз ичига олган ва сайлов қонунчилигини ЕХХТ қоидалари, бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга яқинлаштирган. Ҳусусан парламентда депутатлик ўринларини сайловсиз берилиши бекор қилинган, овоз берувчилар сони жиҳатидан сайлов округлари тенглаштирилган, сайловчиларнинг бир неча сиёсий партияни, номзодларни қўллаб- қувватлаб имзо қўйиш ҳуқуки таъминланган. Илк бор қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланадиган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Сайлов Кодексининг қабул қилинганлиги сайловларни ўтказиш учун такомиллаштирилган ҳуқуқий асос яратган, лекин аввалги қонунлардан Кодексга кўчиб ўтган баъзи моддалар ЕХХТ қоидалари, умум қабул қилинган бошқа халқаро мажбуриятлар ва стандартларга зиддир. Шу жумладан, сайланиш ҳуқукини фақатгина партия номзодлари билан кифоялаш, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар сайловда иштирок этмаслиги каби нормалар, номзоднинг Ўзбекистон ҳудудида муқим яшashi ва бунинг муддати борасидаги талабларни бекор қилиш борасидаги тавсиялар ҳамон инобатга олинмаган.<sup>14</sup>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга (CEDAW), 1995 йил 28 сентябрда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга (ICCPR), Барча турдаги иркий дискриминацияларга барҳам бериш конвенциясига, Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси қўшилган. Ўзбекистон 2009 йилда Ногиронлар ҳуқуклари тўғрисидаги конвенцияни (CPRD) имзолаган, лекин ҳали ратификация қилмаган.

<sup>12</sup> Илгари МСК фаолияти, президент сайловлари, парламент сайловлари, маҳаллий сайловларни ўтказиш алоҳида бешта қонун билан тартиблangan эди.

<sup>13</sup> ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг [Сайлов Кодекси лойихаси ҳакидаги қўшма Холосасига каранг](#).

<sup>14</sup> Копенгаген ҳужжатининг 7.5-бандига каранг, унда ЕХХТга иштирокчи давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишида ёхуд сиёсий партиялар ёки ташкилотлар вакиллари сифатида, хеч бир камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига давогарлик қилиш ҳуқукини хурмат қилиш” мажбуриятини олганлар.

Умуман олганда, баъзи қонун ва қонуности норматив хужжатлар демократик сайловлар учун муҳим бўлган фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлардан фуқаро ва номзодлар фойдаланиш имкониятларини ҳаддан ташқари чекламоқда.<sup>15</sup> Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолиятини тугатиш борасидаги талабларни бажариш қийин, бу қоидалар ўзбошимчалик билан талқинга йўл қўймоқда.<sup>16</sup> Ушбу факторлар 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 7.6-моддасига зиддир.<sup>17</sup>

*Сиёсий партияларни ташкил этиши ва уларнинг фаолияти борасидаги ҳаддан ташқари чекловчи ёки камситувчи ҳуқуқий чекловлар бартараф этилиши керак. Чинакам сиёсий рақобатни таъминлаш мақсадида партияларни рўйхатдан ўтказилиши ва унинг фаолияти билан боғлиқ қонунчилик плюрализмни тарғиб этадиган шаклда талқин ва татбиқ этилиши зарур.*

Ижобий томонда, сўнгги пайтларда нодавлат ташкилотларни (ННТ) рўйхатдан ўтказиш учун кўйилган маъмурий талаблар озгина юмшатилган.<sup>18</sup>

Тинч йиғилиш эркинлиги Конституцияда кўзда тутилган бўлса ҳам, алоҳида қонун билан тартиба солинмаган.<sup>19</sup> Сайлов Кодекси кўра, номзодлар аввалдан “маълум” қилган ҳолда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши мумкин, лекин 2014 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори “оммавий тадбирлар” ўтказиш учун аввал рухсатнома олишни талаб этади. Бу рухсатномани олиш учун оммавий тадбир ташкилотчиси оммавий тадбирни ўтказиш мўлжалланган санадан олдин ўттиз иш кунидан кечиктирмай хужжатларни маҳсус комиссияга топшириши керак.<sup>20</sup> Ушбу қоидаларнинг амал килиши йиғилишлар, намойишлар, кўча юришлари ва намойишларини ўтказишга татбиқ этилмаслиги қарорда очик-оидин белгиланган бўлса ҳам, барча катта

<sup>15</sup> “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуклар бўйича ҳалкаро битим”нинг 25-моддасига берилган 25-Умумий Шархнинг 25 параграфида айтилишича, “25-моддада кўрсатилган барча ҳуқуклардан тўлиқ фойдаланиш [...] Пактнинг 19, 21 ва 22-моддаларида кўрсатилган ҳуқуклардан тўлиқ фойдаланишни, шу жумладан алоҳида ёки сиёсий партия ёки ташкилот сафида сиёсий фаолият олиб бориши, сиёсатни муҳокама қилиш, тинч намойиш ва йиғилишлар ўтказиш, танқид қилиш ва муҳолиф бўлиш, сиёсий материалларни тарқатиш, сайловолди кампаниясида номзод сифатида қатнашиш ва сиёсий гояларни тарғиб қилиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдалана олиш ҳуқуқини тақозо этади”.

<sup>16</sup> Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунда сиёсий партиянига устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Конституциясига ҳамда бошқа (аниқ айтилмаган) қонун хужжатларига зид бўлса партия рўйхатга олинмаслиги айтилган. [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг Сиёсий партиялар фаолиятини тартиба](#) солиши Йўрикномасида “партияни рўйхатдан ўтказмаслик учун сабаблар қонунчиликда аниқ айтилиши ва объектив мезонларга асосланган бўлиши кераклиги” тавсия этилган. [БМТ Инсон ҳуқуклари Кўмитаси](#) авваллари Ўзбекистонда сиёсий партия ва жамоат ташкилотларини рўйхатдан ўтказишида “асоссиз, ўта чекловчи ва мураккаб талаблар” ҳамда муҳолиф партиялар рўйхатдан ўтказилмаётгани борасида ҳавотир билдирган эди.

<sup>17</sup> 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Хужжатининг 7.6-параграфида “шахслар ёки сиёсий гурухлар ўз сиёсий партияси ёки бошқа сиёсий ташкилотини эркин тузиш ҳуқуки [...]” кўрсатилган. Шунингдек, 1966 йилдаги Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуклар тўғрисидаги Пактга 1996 йилдаги БМТ Инсон Ҳуқуклари Кўмитасининг Umumiy Sharxning (25-Umumiy Sharx) 26-параграфига қаранг.

<sup>18</sup> Енгиллаштирилган талаблар асосан ННТ грант шартномалари, давлат божини тўлаш, йиллик ҳисобот талаблари ва режалаштирилган тадбирлар ҳақида Адлия вазирлигини огоҳлантириш билан боғлиқ. Адлия вазирлигининг ДИИХБ СКМга маълум қилишича, 2018 йилда ННТни рўйхатдан ўтказиш бўйича 921 ариза тушган бўлиб, шундан 811таси қондирилган. 2019 йилнинг 1 декабригача 605 ариза тушган бўлиб, шундан 462 таси қондирилган.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Конституциясида “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар” деб айтилган.

<sup>20</sup> Оммавий йиғилишларни ўтказиш ҳақида алоҳида қонун мавжуд эмас, оммавий тадбирларни ўтказиш 2014 йилда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 205-қарори билан тартиба солинади. Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари худудида 200 ва ундан кўп кишилар иштирокида, бошқа худудларда 100 ва ундан кўп киши иштирокида ўтказиладиган оммавий тадбирлар учун рухсатнома олинади.

йиғилишларга аввал мутасаддилардан рухсат олиш керак деган (янглиш) фикр кенг тарқалган.<sup>21</sup> Бу тадбирни қонунан ўтказиш учун ташкилотчилар ва иштирокчилар қайси қоидаларга риоя қилиши кераклиги борасида ноаникликларга сабаб бўлмоқда.<sup>22</sup>

Конституцияда сўз эркинлиги кафолатланган, лекин айни вақтда бу эркинликларни чеклаши мумкин бўлган қўпгина жиноий ва маъмурий жазо нормалари ҳамон кучда қолмоқда. Бу ўз навбатида самарали сайловолди кампаниясини олиб боришга ва сайловчиларнинг онгли танлов қила олишига тўсқинлик қилиши мумкин.

*Сиёсий ва ижтимоий уюшини, иигилиши ва фикр билдириши эркинликлари борасида чекловлар ўрнатиши истисно тарзида, фақатгина зарур бўлганда, демократик тамойилларга амал қилган ҳолда, бундан кўзланаётган ҳуқуқий мақсадга мутаносиб бўлганда, ўзбошимчалик ва ўта тақиқлаши тусида бўлмаганида қўлланилишини таъминлаши мақсадида барча тегишили қонун ва қарорлар қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.*

## VI. САЙЛОВ МАЪМУРЧИЛИГИ

### A. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ

Сайловлар Марказий Сайлов Комиссияси (МСК), 150 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 10,300 га яқин участка сайлов комиссиялари (УСК), шу жумладан хорижда тузилган 55 УСК томонидан ташкиллатирилди. Қонунчиликда масалаларни кўриб чиқиши ва қарорлар қабул қилиши сайлов комиссиялари томонидан коллегиал тарзда, очик ва ошкора амалга оширилиши белгиланган.

Мустақил конституцион орган мавқеъига эга МСК доимий орган бўлиб, кенг тартибга солувчи ваколатларга эга. ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун янгидан тузилади. МСК ва округ сайлов комиссияси (ОСК) аъзоларини худудий кенгаш депутатлари тавсия этади. МСК аъзолари Олий Мажлиснинг икки палатаси томонидан чекланмаган муддатга тайинланади. МСК ОСКлар таркибини тасдиқлайди.<sup>23</sup> Участка сайлов комиссиялари (УСК) аъзолар таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодларни тегишли ОСК тасдиқлайди.

<sup>21</sup> Оммавий тадбирларни ўтказиши қоидаларини бузганлар жаримага тортилади. 2019 йилнинг июнида киритилган митинглар, йигинлар ва намойишлар тўғрисидаги қонун лойихаси аввалдан рухсат олиш тизимини киритиш ҳамда ушбу тадбирларни ўтказишида ҳаддан ташкири катта чекловлар қўйиш кўзда тутилган. Қаранг [ДИИХБнинг Конун Лойихасига Шархи](#). ДИИХБ СКМ сұхбатдошларига кўра, рухсат олиш борасидаги ноаникликлар намойишлар деярли ўтказилмаслигига сабаб бўлганини айтмоқда.

<sup>22</sup> [БМТ Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси](#) аввалроқ Ўзбекистонда “тинч намойишлар ўтказишига қонун ва амалиётда ўзбошимча чекловлар қўйилгани, жумладан тинч намойишларини ҳуқук муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан куч билан тарқатилиши, иштирокчилар қамокка олиниши ва қийнокларга солинаётгани” борасида ҳавотир билдирган эди.

<sup>23</sup> Сайлов Кодексида ОСКлар “МСК томонидан тасдиқланиши” айтилган, лекин маҳаллий депутатлари таклифи маъқулланмаса нима бўлиши аниқлаштирилмаган. ОСК аъзолигига номзодлар маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади. УСК аъзолигига номзодларни “Маҳалла” қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари тавсия этади ва номзодларни ОСК тасдиқлайди.

ОСК ва УСК аъзолигига номзод таклиф этиш тартиби ушбу муваққат сайлов комиссиялар аъзоларининг мустақиллиги борасида ҳавотир туғдирмоқда. Сайловдан сўнг ДИИХБ СКМ билан сухбатлашган МСК сайлов кунидаги маъмурий аралашувлар борасидаги ўзининг ҳавотирларини билдири. МСК ва ОСК алал оқибат ОСК ва УСК (тегишлича) аъзоларини тасдиқласа ҳам, ОСК ва УСК аъзолигига номзодларни бошқа жамоат ва хусусий ташкилотлар таклиф этади.

*Сайлов маъмуриятининг мустақиллигини кучайтириши мақсадида, МСКга очиқ ва рақобатдаги жараён орқали танланган ОСК ва УСК аъзоларини тўғридан тўғри тайинлаш ҳуқуқини берииш мақсадга мувофиқдир.*

МСК таркиби 16 аъзодан 21 аъзога ўсган, шулардан 11 нафари, жумладан раис ўринбосари ва котиби 2019 йилда тайинланган. ОСК аъзолари сони 1600, УСК аъзолари сони 112,000 кишини ташкил этади ва улар вақтида тайинланган. 2019 йилдаги ўзгаришлар натижасида МСК сафидаги аёл аъзолар сони 3 нафардан (19 фоиз) 7 нафаргача (33 фоиз) кўпайди.<sup>24</sup> МСК берган маълумотларга кўра, ОСК аъзоларининг 46 фоизи, УСК аъзоларининг 49 фоизи аёллардир.<sup>25</sup>

Маҳалла қўмиталари расман сайлов маъмурчилигининг бир қисми бўлсама ҳам, УСК аъзолигига номзод таклиф этишдаги ролидан ташқари, сайловга тайёргарлик ишларида муҳим ўрин тутди. ОСК ва УСКлар тузилишидан олдин маҳалла қўмиталари сайлов участка чегарасини белгилашда, сайловчилар рўйхатини тузишда ва текширишда ёрдам кўрсатган.

## B. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ФАОЛИЯТИ

МСК янги қонунчилик асосида парламент сайловларини ташкиллаштириш ва ўтказишида барча имкониятларини ишга солди. Сайлов округларининг сони 135дан 150га чиққани сайлов ҳудудлари чегараларини тубдан ўзгартиришни тақозо этди. ОСК ва УСКлар ҳали тузилмагани учун МСКга сайлов участка чегарасини белгилашда маҳаллий бошқарув органлари ҳамда маҳалла қўмиталари муҳим ёрдам кўрсатган. Чегаралар белгилангандан сўнг ҳар бир округдаги сайловчиларнинг ўртача сони тенглашди, натижада амалиёт бу борадаги халқаро стандартларга мос бўлди.

МСК кўплаб мажбурий қарорларни, хусусан норматив акт мақомидаги ҳужжатларни қабул қилиши натижасида сайлов қонунчилиги салмоқли даражада тартибга келтирилди.<sup>26</sup> МСК 80га яқин, шу жумладан партиялар ва уларнинг номзодларини рўйхатдан ўтказиш хақида, номзодларнинг сайловолди ташвиқотига, хорижда сайлов участкаларини тузишга, сайлов бюллетенларини тасдиқлашга доир қарорлар чиқарган. МСКнинг бу қарор ва харакатлари қонунчиликка мувофиқ эди, лекин баъзилари кечроқ қабул қилинди.<sup>27</sup> МСК сайлов жараёнининг салмоқли қисмига аниқлик киритган бўлса ҳам, овоз санаш ва айниқса якуний баённомани тузиш жараёни етарлича тартибланмаган, бу СКХМ сайлов куни хабар берган УСКлар томонидан овоз

<sup>24</sup> Сайлов комиссияларидаги гендер тенглик талаби 2019 йил сентябрида қабул қилинган қонунда кўзда тутилган.

<sup>25</sup> 1997 йилдаги БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW) конвенцияси Кўмитасининг 23-умумий Тавсияларининг 26-параграфи Давлатлардан аёлларнинг жамоат ва сиёsat хаётидаги иштироки хақида хисобот берганда, аёллар хақида маълумотларни ажратилган ҳолда тақдим этишлари талаб қиласди.

<sup>26</sup> Шу жумладан партия кузатувчилари ва ишончли вакилларининг сайлов кунидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига, номзодларнинг сайловолди ташвиқотига, камоқда сақлаш жойлари ва хорижда сайлов участкаларини тузишга, сайлов бюллетенларини тасдиқлашга доир мажбурий қарорлар чиқарган.

<sup>27</sup> Масалан, муддатдан олдин овоз беришни ташкиллаштириш ҳамда имконияти чекланган сайловчиларга шароит яратиш хақида МСК қарорлари аксар ўкув машғулотлари якунлангандан сўнг, 3 декабрда қабул қилинган.

санашдаги, ОСКлар томонидан якуний баённома тузилишидаги ўзбошимча ёндашувига сабаб бўлган факторларидан бири бўлиши мумкин.

*МСК овозларни санаб чиқши ва натижсани жадвал шаклига келтириши билан боғлиқ ойдин, тўғри кетма-кетликдаги тартиб ва кафолатларни ўз ичидаги мужассам этган қоидаларни тасдиқлаган маъжбурий қарор қабул қилиши мақсаддага мувофиқдир. Ушибу жараёнларни барча даражадаги ижрочилар тушуниб олишилари у учун МСК қадам-бақадам йўриқномаларни ҳамда кўргазмали материалларни ишлаб чиқши масаласини кўриб чиқши лозим.*

МСК ўз вебсайтида сайловга оид тўлиқ маълумотларни ўз вақтида мунтазам бериб келди, лекин баъзи муҳим маълумотлар, жумладан батафсил сайлов натижалари чоп этилмаган.

*Шаффофликни ошириши мақсадидаги МСК ўз вебсайтида округ ва сайлов участкаси қатламидағи дастлабки ва якуний натижсаларни сайлов куни ўтиши билан иложи борича тезроқ чоп этиши лозим.*

ДИИХБ СКМ кузатувчилари МСК ва мамлакат бўйлаб 142 УСКлар билан учрашди, улар барча сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этган. Баъзи истиснолардан ташқари, ДИИХБ СКМ билан сұхбатлашган барча УСК аъзолари қонунчиликда талаб қилинганидек, масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиал тарзда, очик ва ошкора амалга оширилаётганини билдирган. Лекин ОСК ва УСК аъзолари вазиятга қараб йиғилгани учун, ДИИХБ СКМ сайлов кунидан олдин ОСК ва УСК йиғилишларида иштирок этишга фурсат тополмади. Қонунчиликда УСК ва ОСК қарорларини ошкор этиш тартиби аниқ белгиланмаган, баъзи УСК қарорлари пештахталарда осилган, ОАВда чоп этилган, баъзилари УСКлар томонидан ДИИХБ СКМ сўровига биноан дарҳол тақдим этилган.

Сайлов билан боғлиқ ташкилий ишлар ўз вақтида ва самарали ташкил этилган. Муддатдан олдин овоз бериши 12-18 декабрь кунлари бўлиб ўтди, кўпгина УСКлар бунга аввалроқ тайёр эди. ДИИХБ СКМ кузатувчилари билан учрашган сайлов комиссияси аъзолари янги Сайлов Кодекс моҳиятидан яхши хабардор. ДИИХБ СКМ кузатувчиларига сайлов комиссияларининг барчаси тўлиқ жиҳозланганлигини, барча ҳодимларга эгалигини ва яхши молиялаштирилганлигини айтган.

ДИИХБ СКМга МСК берган маълумотларга кўра, маҳаллий сайлов комиссия аъзоларини ўқитиши жараёни июндаёқ, сайловдан олти ой аввалроқ бошланган. 15 та ўқув моделлари ишлаб чиқилган ва МСК вебсайтига жойлаштирилган. Парламентга сайловлар билан бир пайтда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳам бўлиб ўтишини инобатга олсак, 170 000га яқин аъзолар ўқитилиши лозим эди.<sup>28</sup>

МСК аҳолини сайлов жараёнларидан шу жумладан билбордлар, постер ва ОАВдаги ижтимоий роликлар орқали хабардор қилиш бўйича фаол ва самарали информацион кампания олиб борди. ОАВ, хусусан шахсий телеканаллар ҳам, МСК фаолияти ҳақида ва сайловчилар онгини оширувчи кўрсатувлар узатди. Бу медиа материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланди.

<sup>28</sup> Парламентга сайловлар ўтказаётган 112 000 УСК аъзолари билан бир каторда, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловларни ўтказиш учун қўшимча 58 000 УСК аъзолари тайинланган.

Фуқаролик таълими ҳамда тренинглар дастури авваллари йўл қўйилган камчиликларни тузатишга қаратилган олқишига сазовор ҳаракат бўлди, лекин афсус, сайлов куни СКХМ бошқалар учун овоз бериш ҳамда бир неча бор овоз бериш кўпгина ҳолларига гувоҳ бўлди.

*Шахсан овоз беришининг аҳамияти ва бу талабни бузганларга қонуний чоралар қўрилиши сайлов комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишига қаратилган тренинглар ҳамда фуқаролик таълим дастурларида бот-бот ургуланиши лозим.*

Қонунчиликда муддатдан олдин ҳамда уйда овоз бериш имконияти кўзда тутилган бўлса ҳам, МСКнинг қўшимча қарори ногиронлиги бўлган шахслар сайлов ҳуқуқини бошқа фуқаролар билан тенг, сайлов участкасида амалга ошириши учун зарур шароит ва имкониятлар яратди. Шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсус жиҳозланган овоз бериш кабиналари, Брайль алифбоси асосида тайёрланган сайлов бюллетенлари, бепул транспорт, бино ичидаги эркин ҳаракатланиш учун шароитлар яратилди.

## VII. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эгалар, суд томонидан “муомалага лаёқатсиз”, хусусан ақлий ёки психосоциал ногиронлиги учун лаёқатсиз деб топилган фуқаролар бундан мустасно. Ногиронлиги сабабли сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ЕХХТ қоидалари ва бошқа халқаро стандартларга тўғри келмайди.<sup>29</sup> Вақтинча сақлаш хибсонасида сақланаётганлар ва биринчи маротаба, Конституцияга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакат ташқарисида сайлов округи мавжуд бўлмаса ҳам, Сайлов Кодексида фуқароларга хорижда ҳам овоз бериш ҳуқуқи кўзда тутилган.

*Суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилган инсонларнинг сайлаши ҳуқуқига чеклов қайта кўриб чиқилиши лозим. Мутасаддилар БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишини ўйлаб кўриши лозим.*

Рўйхатга олиш пассив бўлиб, сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган яшаш жойларидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлар.<sup>30</sup> Бу сайловларда илк бор марказлашган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан (СЯЭР) фойдаланилди. СЯЭР аввал 2017 йилда Тошкентдаги маҳаллий сайловларда синовдан ўтган эди. СЯЭР маълумотлар базаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, фуқаро паспортини чоп этувчи Давлат персоналлаштириш маркази каби давлат идораларининг олтида маълумотлар базаси асосида ташкил этилди.<sup>31</sup> СЯЭР

<sup>29</sup> Ўзбекистон [БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуклари тўғрисида”ти Конвенциясига имзо чеккан](#). Конвенция Кўмитаси 4/2011 (Zsolt Bujdosó and others v. Hungary) баёнотининг 9.4 параграфида “29-моддада ҳеч қандай холисона чеклов кўзда тутилмаган ёки ногиронлиги бор шахсларга имтиёзлар берилмаган. Шунинг учун, гуёки ёки ҳақиқий психосоциал ёки интеллектуал ногиронлик асосида сайлаш ҳуқуқини чеклаш ногиронлик асосида дискриминация хисобланади” деб айтилган. 1990 йилдаги ЕХХТ Копенгаген Ҳужжатининг 7.3 параграфида аъзо-давлатлар “барча вояга етган сайловчиларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолайди” деб белгиланган.

<sup>30</sup> 1999 йилдаги ПФ-2240 га кўра, уч кундан олти ойгача даврдаги вақтинча қайд этиш фуқарони доимий истиқомат жойидаги рўйхатдан чиқармасдан амалга оширилади. МСК 994-Қарорида “фуқаро сайлов участкасининг худудида вақтинча яшаётганини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади” деб ёзилган.

<sup>31</sup> Колганлари ИИВ, ТИВ, Соғликни Сақлаш вазирлиги ҳамда Давлат геодезия кўмитаси.

сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг (СЖБАТ) бир қисми бўлиб, у йилда одатда бир маротаба, сайловолди кампанияси мобайнида эса Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникация вазирлиги билан келишилган режа асосида янгиланади.

ДИИХБ СКМ билан сұхбатлашган барча ОСК ва УСК аъзолари СЯЭР ишга туширилишини олқишилаган ва унинг аниқлигига ишонч билдирган. Сайловчиларнинг электрон рўйхатларини шакллантириш ва аниқлаштириш учун барча участка сайлов комиссияларига СЯЭР дан тегишли сайловчилар рўйхати тақдим этилган. Конунга кўра, участка сайлов комиссияси аъзолари Маҳалла қўмитасининг ходимлари ёрдамида участка худудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш йўли билан рўйхатга аниқлик киритади. Амалда эса бу иш билан асосан Маҳалла қўмитаси шуғулланган, улар тақдим этган маълумотлар сайлов комиссиялари томонидан текширилмаган. МСК кўра, аниқлик киритиш мобайнида 1.7 млн сайловчилар маълумоти мамлакат ичидаги сайловчилар рўйхатидан олиб ташланган. МСКнинг ДИИХБ СКМга берган маълумотларига кўра, бу ўчирилган сайловчилар рўйхатида асосан чет элга доимо ёки вақтинча кетган фуқаролар бўлган.

Сайловчилар ўз маълумотларини онлайн ёки 22 декабрга 15 кун қолганда танишиш учун сайлов участкасида чоп этилган рўйхатдан аниқлаб олиши ҳам мумкин эди. Сайловчилар рўйхатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни тегишли УСКдан талаб қилиш ҳуқуқига эгалар. Сайловчилар рўйхатига ўзгартиришларни сайловга уч кун қолган муддатда киритиш мумкин эмас. Конунчиликда ўзгартиришлар киритишни талаб этиш учинчи шахс томонидан амалга ошириш мумкинлиги, маълумот ўзгартирилганлиги ҳақида фуқароларга қай тарзда хабар берилиши, маълумотларни тўғрилаш талаблари муддати аниқ айтилмаган.<sup>32</sup> Уч кун муддатдан кейин қабул қилинган суд қарорлари қандай ижро этилиши ҳам конунчиликда аниқ белгиланмаган. Сайлов куни УСКлар СЖБАТга уланган терминаллар орқали СЯЭРга боғлана оладилар.

СЯЭР ишга туширилиши муҳим ютуқ ва аввалги сайловларда қўлланган ёндашувга қараганда анча ижобий силжиш бўлди. Лекин буткун янги умуммиллий сайловчилар рўйхати тузилган бўлса ҳам, сайлов куни сайловчилар рўйхатидан ўз маълумотини топа олмаган сайловчилар ўзларининг мазкур участка худудида яшашларига далил келтирган ҳолда ўз овозларини беришлари мумкин бўлди. Бу СЯЭРни татбиқ этиш мантиғи ҳамда халқаро стандарт ва умум қабул қилинган амалиётларга зиддир.<sup>33</sup> Сайлов кунида кўпгина сайловчиларни, одатда уларнинг маълумотини СЖБАТга уланиб СЯЭР орқали текширмасдан, кўшимча сайловчилар рўйхатига олиниши сайлов жараёнинда суистеъмол учун замин яратди.<sup>34</sup>

*Овоз берииш жараёнининг ишончилигини ошириши ҳамда кўп маротаба овоз берииш таҳдидини камайтириши мақсадида сайлов куни сайлов участкасида сайловчиларни рўйхатга олмаслик масаласини кўриб чиқши лозим. Сайловчилар рўйхатига тушимаган сайловчининг маълумотларини*

<sup>32</sup> Сайловчилар рўйхатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни тегишли УСКдан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сайлов Кодексида бу талаб учун муддат белгиланмаган.

<sup>33</sup> 2002 йилдаги Венеция Комиссиясининг Сайлов масалаларида умум қабул қилинган амалиётлар Кодексининг 1.2 (iv) параграфида “Рўйхатга олинмаган сайловчини рўйхатга олиш амалиёти мавжуд бўлиши зарур ва бу амалиёт суд назоратида бўлиши керак: рўйхатга олинмаган сайловчи сайлов куни сайлов участкасида рўйхатга олинмаслиги керак” деб айтилган.

<sup>34</sup> СКХМ кузатувчилари сайлов куни кўпгина УСКлар сайловчиларнинг рўйхатдан ўтганлигини текшириш учун компьютердан (баъзида серверга алоқа бўлмагани учун) фойдаланмаганини хабар қилган. МСК 976-қарорида ОСК ва УСКларга етарлича компьютер етказилмагани, тренинглар ўтказилмагани таъкидланган.

рўйхатга киргизиш учун алоҳида, иложи бўлса ҳуқуқий назорат остида амалга ошириладиган маъмурий тартиб бўлиши керак.

МСК 22 декабря 14та маъмурий ҳудуднинг ҳар бирида рўйхатга олинган сайловчилар рўйхатини чоп этди. Икки кун ўтиб бу маълумот МСК вебсайтидан ғойиб бўлди ва ушбу хисобот ёзилган даврда ҳамон қўйилмаган эди. МСК, сайлов жараёнининг ҳеч қайси босқичида, округ ва участка кесимида рўйхатга олинган сайловчилар сонини ошкор этмаган.<sup>35</sup> Бу эса ҳалқаро стандартлар ва умумқабул қилинган нормаларга зид тарзда, сайловчиларнинг овоз беришини (явкаси) ва сайлов натижаларини таҳлил қилиш ва текшириш имконини бермади, ҳамда сайлов жараёнининг умумий шаффофлигини камайтириди.<sup>36</sup>

*Қонунчиликда округ ва участка кесимида рўйхатга олинган сайловчилар сонини сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида, жумладан сайловчилар рўйхатини аниқлаштиришидан олдин ва кейин ҳамда сайлов кунидан кейин, чоп этиши МСК мажбурияти кўзда тутилиши керак.*

## VIII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ёши 25 дан кам бўлмаган ва сайлов кунига қадар мамлакатда камида сўнгги беш йил давомида яшаган фуқаролар номзод бўлишлари мумкин.<sup>37</sup> Миллий сайловларда номзоднинг Ўзбекистон ҳудудида муким яшashi ва бунинг муддати борасидаги талаблар ҳалқаро стандартларга зиддир.<sup>38</sup> Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаганлар номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар, бу ҳам сайланиш ҳуқукининг универсал ҳалқаро стандартларига зид хисобланади. Сайлов коалициясини тузиш қонунчиликда кўзда тутилмаган. Рўйхатдан ўтган сиёсий партия бир округга бир номзод қўйиши мумкин, сайловчилар фақат битта номзодга овоз берадилар. Ҳар бир партиядан илгари сурилаётган номзодларнинг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлиши лозим.

*Номзодларга қўйиладиган беш йиллик истиқомат талабини бекор қилиши масаласи кўриб чиқилиши лозим.*

Ўз номзодларини таклиф қилиш учун сиёсий партия сайлов бошланишидан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган бўлиши ва 14 маъмурий ҳудудлардаги 40 мингта сайловчилардан уни қўллаб-қувватлашларини тасдиқловчи имзоларни йиққан бўлиши лозим. Партиялар ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадан талаб қилинган имзолар сонининг 8 фоизидан кўпроғини йиғишга ҳақли эмас. Партия барча 150 округдан ўз номзодини қўйишга мажбур эмаслигини инобатга олсак, имзоларни йиғиш талаби ҳаддан ташқари ортиқ чеклов бўлиши

<sup>35</sup> Сайлов кунидан олдин ва сайлов куни рўйхатга олинган сайловчилар сони алоҳида тақдим этилмаган, чунки сайлов куни қўшимча рўйхатга қўшилган сайловчилар сони участканинг баённомаларида қайд этилмайди.

<sup>36</sup> Намунаий амалиёт кодексининг 1.2 (iii) банди: “Сайлов рўйхати чоп этилган бўлиши керак”. Шаффофлик ҳамда маълумот олиш ҳуқуқи Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 19.2 ҳамда БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг 5.1 ва 13.1 бандларида келтирилган.

<sup>37</sup> Хизматдаги ҳарбийлар ёки хавфсизлик хизмати ходимлари ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзодлик ҳуқуқига эга эмаслар.

<sup>38</sup> Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 25-моддасига БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитасининг Умумий Шархининг (25- Умумий Шарх) 15 параграфида “сайланиш ҳуқуқи борасидаги чекловлар... объектив ва ҳолис мезонларга асосланган бўлиши керак. Сайланиш ҳуқуқига эга инсонлар [...] истиқомат талаби каби ноҳолис ва дискриминацион талаблар орқали четлаштирилиши жоиз эмас” деб белгиланган. Шунингдек, 1990 йилдаги ЕХХТ Коппенгаген Ҳужжатининг 7.3, 7.5 ва 24 параграфларига қаранг.

мумкин, ҳусусан ҳар бир минтақа учун 8 фоизлик шифт республика даражасида кенг қўллаб-куватланган, лекин бир ёки бир неча вилоятларда дастак ололмаган партия учун рўйхатдан ўтишда ғов яратиши мумкин. МСКга кўра, давлат рўйхатига олинган бешта сиёсий партиялар томонидан МСКга тақдим этилган имзолар намуналарини текшириб, ҳеч қандай муаммо йўқлигини тасдиқлагач, уларнинг барчаси сайловда иштирок этиш учун рўйхатга олинди, уларга ўз номзодларини илғор суришга ижозат берилган.

*Бир ҳудуддан тайгиши мумкин бўлган қўллаб-куватловчи имзолар сонининг шифтини камайтириши масаласини кўриб чиқши мақсадга мувофиқдир.*

ДИИХБнинг аввалги тавсияларига биноан қонунчиликдаги сўнги ўзгаришларга кўра, сайловчилар бир нечта сиёсий партияни қўллаб-куватлаб имзо қўйишлари мумкин. Сайлов кодексига кўра, имзо варакасига ўз имзосини қўядиган сайловчи тўғрисидаги маълумотлар сайловчининг илтимосига кўра имзо тўплашни амалга ошираётган шахс томонидан киритилиши мумкин. Муносиб назорат ва бошқа ҳалоллик кафолатларисиз бу эҳтимолий қинғирликларга ва имзоларни соҳталаштиришга йўл очиши мумкин.

*Имзо тўплашда ҳалоллик чораларини кириттиши масалаларини кўриб чиқши мақсадга мувофиқдир.*

Сайлов Кодексида келтирилишича, МСК томонидан текширилиши лозим бўлган сайловчилар имзолари зарур сонининг камида ўн беш фоизи бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-худудий тузилмадан teng нисбатда танлаб олинади. Бу эса чекланган имзолар миқдоридаги янгиликларга асосланиб имзо варакаларини ҳақиқий эмас деб топилишига имкон беради, қолган имзолар сони қонун талабини қондириш учун етарлича бўлса ҳам. Гарчи камчиликларни бартараф этиш учун партияларга икки кунлик муддат берилса ҳам, қонунчиликда МСК амал қилиши керак бўлган имзоларни текшириш тартиби ёки имзо варакаларини ҳақиқий эмас деб топилиши учун асослар белгиланмаган.<sup>39</sup>

*Имзо варакаларининг тўғри тўлдирилганлигини аниқлашнинг ҳамда имзо варакаларини ҳақиқий эмас деб асослашининг аниқ, шаффоф тартибини ишлаб чиқши масаласини кўриб чиқши мақсадга мувофиқдир. Халқаро намунавий амалиётга мувофиқ, имзо варакадаги маълумотлар чекланган имзолар сонида камчиликларни аниқлаш мақсадидан кўра рўйхатдан ўтказиши учун етарли имзолар сонини аниқлаш нияти билан текширилиши керак.*

15 ноября МСК 150 сайлов округининг ҳар биридан 5 тадан, жами 750 нафар номзодни рўйхатга олди. Шулардан 30 фоизигина Қонунчилик палатасининг амалдаги аъзолариридир, қолганлар сайловда илк бор депутатликка номзод сифатида иштирок этган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил июн ойида сиёсий партиялар ўтган сайловларда аёл номзодларга кўпроқ эътибор бермаганини танқид қилган эди.<sup>40</sup> 2019 йилдаги сайловда партиялар

<sup>39</sup> Намунавий амалиёт кодекси I.1.3.iii-бандига кўра, “измоларни ҳақиқийлигини аниқлаш шаффоф қоидалар асосида бўлиши керак” ҳамда “аниқлаш жараёнида умуман олганда барча имзолар камраб олиниши керак, лекин етарлича имзо тўплангани аниқ бўлгандан сўнг, қолган имзоларни текшириш шарт эмас”.

<sup>40</sup> Президентнинг 22 июня 2019 йилда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. Ушбу мажлисда Танзила Норбоева Сенат тарихида илк бор раис этиб тасдиқланган.

41 фоиз (310 нафар) аёллар номзодини берди, шулардан 48 нафари (32 фоиз) депутат этиб сайланди, бу фоиздаги салмоқли ўсишдир.<sup>41</sup>

Сиёсий партиялар ўз номзодларини сайлов кунидан ўн беш кун олдинга қадар бекор қилиш ҳуқуқига эга, айни чоғда, номзодлар номзодликдан истаган вақтда воз кечишлари мумкин, шу жумладан муддатдан аввалги сайловлар бошланган бўлса ҳам.<sup>42</sup> Номзод чишиб кетганда сайлов бюллетенларига нима бўлиши ёки чиқиб кетган номзодга берилган овозлар қандай тақсимланиши қонунчиликда белгиланмаган. Олти нафар номзод, шулардан тўрттаси муддатдан олдинги овоз бериш даврида ўз аризасига кўра номзодини бекор қилган, рўйхатда жами 744 номзод қолган. Тўртта сайлов округида УСКларга номзодлиги бекор қилинганлар ҳақида маълумотларни бюллетенлардан қўлда ўчириб ташлаш айтилган, яна иккитасида бюллетенлар МСК томонидан қайта чоп этилган.

*Сайловдан чиқиб кетган номзодлар учун берилган овозларни бекор қилиншишини, ишлатилмаган бюллетенларни қўлда ўзгартирилишини ёки бюллетенларни қайта чоп этилишини олдини олиши мақсадида номзодликни бекор қилиши муддатларини қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.*

## IX. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ

Сайлов кампаниясини ва кампанияни молиялаштириши Сайлов кодекси, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун ва МСКнинг сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид қарорлари тартибга келтиради. Сайлов Кодексида учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни, ОАВда нашр майдони ва эфир вақтини, ташвиқот материалларини ажратиш каби номзодлар ва сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш қўзда тутилган. Қонунан, номзодлар сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилиши шарт. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши шарт. ОСКлар ташқи реклама воситаларини жойлаштириш ҳудудини белгилайди, маҳаллий ҳокимият уларни жойлаштиришда ёрдам беради.

Қонунчиликда кампания даврида давлат ресурсларини суиистеъмол қилиши борасидаги нормалар мавжуд эмас.<sup>43</sup> Баъзи сиёсий партияларнинг бўлинмалари маҳаллий ҳокимият биносида жойлашган эди.<sup>44</sup>

*Қонунчиликка кампания даврида давлат ресурсларини суиистеъмол қилиши масаласини ҳал этадиган аниқ нормалар киритилиши лозим.*

<sup>41</sup> Алоҳида партиялардаги номзод аёллар сони энг кам 36 фоиздан (ЎЭП) энг кўп 48 фоизгача (Миллий Тикланиш) бўлган.

<sup>42</sup> Муддатидан аввал овоз бериш сайловдан 10 кун олдин бошланади ва сайлов кунига 3 кун колганда тугайди.

<sup>43</sup> Маъмурий ресурсларнинг суиистеъмол қилишни олдини олиш бўйича [EXXT/ДИИХБ ва Венеция қўмитасининг қўшма йўриқномасида](#) “қонунчиликда расмий мансабдорлар ўз мавкеидан фойдаланган ҳолда сайлов кампания мақсадида расмий тадбирларни ўтказишини олдини оладиган самаралаи чоралар бўлиши шарт” дейилган. Шунингдек, [ДИИХБ ва Венеция Комиссиясининг Ўзбекистон Сайлов Кодекси](#) лойихаси ҳақидаги қўшма Хулосасига қаранг. Шунингдек, Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича EXXT/ДИИХБ ва Венеция қўмитасининг йўриқномасига қаранг.

<sup>44</sup> Бундай ҳолатни ДИИХБ СКМ масалан Жиззах ва Андижонда кузатган.

Ўтган сайловда МСК қарори маҳаллий ҳокимликларга номзодлар оммавий тадбирларни ўтказишга рухсатнома бериш тўғрисидаги аризаларини “имкон қадар қисқа муддатларда” кўриб чиқиш ҳамда сайлов кампанияси тугагунига қадар амал қилиш муддати билан бир қатор оммавий тадбирларни ўтказиш учун ягона рухсатнома беришни тавсия этган.

*Оммавий тадбирларнинг, шу жумладан сайловолди ташвиқоти даврида ўтказиладиган йигилишларнинг барча амалий жиҳатини тартибга солувчи қонун ҳалқаро стандарт ва намунавий амалиётларга мувофиқ тарзда қабул қилинши лозим. Қонунда йигилишлар учун руҳсат олиши тизими эмас, маълум қилиши тизими кўзда тутилиши лозим.*

Сайлов кампанияси расман 20 сентябрь куни бошланди ва 20 декабрга қадар давом этди. Партиялар сайловолди ташвиқотини икки босқичда олиб борди. Улар хабар беришича, партияларнинг марказий кенгашлари номзодларни сайловчиларга танитиш мақсадида 20 сентябрдан 17 ноябргача катта оммавий тадбир ва юрушлар ўтказган. Номзодлар МСК уларни 18 ноябрда рўйхатга олгандан сўнг ўз сайлов кампаниясини бошлаган, уларнинг тадбирлари асосан кичикроқ, сайловчилар билан учрашувлар форматида ўтган. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин “жимжитлик куни” хисобланади; бу кунлар жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш тақиқланади. Жимжитлик куни талабини бузиш ҳоллари кузатилмади, бу ҳақида хабар берилмади.

Сайловолди кампанияси сўз эркинлигига талаб ва ҳурмат ошган муҳитда олиб борилди. Лекин бу ва бошқа фундаментал эркинликларнинг чеклови сакланиб қолган. ДИИХБ СКМ билан суҳбатлашган партия вакиллари ва номзодларнинг айтишича, сайловолди тадбирларни ташкил этишда улар хеч қандай маъмурий тазийкларга учрамаган, сайловолди кампанияси сокин руҳда ўтиб, ҳодисаларга бой бўлмади. Умуман олганда, ташвиқот даврида асосий урга алоҳида номзодларга эмас, партиянинг сайловолди дастурига берилди.

Номзодларнинг ташвиқот кампаниясини ташкил этишда сайлов комиссиялари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда Маҳалла қўмиталир ноодатий тарзда фаол роль ўйнади. УСКлар номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этди ва тадбирни модерация қилди, маҳаллий ҳокимликлар бу тадбирларга хоналарни ажратди. Маҳалла қўмиталари ва баъзи давлат қўллаб-қувватлаган жамоат ташкилотлари ушбу тадбирларга сайловчиларни йигиб берган.

МСК қарорлари сайлов кампаниясининг қолиплашган, ўта муфассал базасини яратган. Қонунчиликдаги номзодларга “тeng имконият”ни таъминлаш талаби МСК ва бошқа мутасаддилар томонидан кампания воситаларининг мутлақ тенглиги сифатида талқин этилди ва айнан татбиқ этилди. ОСКлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ҳар бир сиёсий партияга сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун бутун Ўзбекистон бўйлаб ҳар бир партияга, белул бўлса ҳам, фақатгина 225 тадан ташки рекламима воситалари (баннерларни) ва барча партияларга жами 74 та ташки электрон мониторларни ажратган. ДИИХБ СКМга МСК хабар беришича, бу рақам сайлов маъмурияти томонидан сиёсий партияларнинг эҳтиёжини қондирадиган даражада деб топилган. Лекин, партия ва номзодлар уларга давлат томонидан ажратилган унча катта бўлмаган маблағлар эвазига қўшимча ташки рекламима воситаларини ҳам сотиб олган, кичикроқ учрашувлар ва эшикма эшик юриб ташвиқот қилган.

Сайлов шартларининг тенглигига бўлган урғу ва мутасаддиларнинг партия тадбирларини ташкил этишдаги тор ёндашув натижасида партия ва номзодлар ўзларига хос индивидуал кампания стратегияси ва услубини белгилашда қийналди. Кузатувчилар сайловолди тарғибот тадбирлари,

материалари ва услубарининг юқори тарзда бир-бирига ўхшаб кетишини, номзодларда ўзига хос тарғибот ёндашувларининг мавжуд эмаслигини таъкидлаган.<sup>45</sup> Шу билан бирга ДИИХБ СКМ кузатувчилари, жуда кам ҳолларда бўлса-да, сайловчилар номзодларни мушкул, айниқса маҳаллий хизматлар борасида, саволларга тутишини ҳам кузатганлар. Партия ва унинг номзодларининг сайловолди ташвиқотини мутсаддилар томонидан назорат қилиниши барча партияларнинг, ОАВдаги дебатларидан ташқари, тарғибот кампанияси жамоат ҳаётида унчалик сезилмаслигига сабаб бўлди. Ушбу факторлар беллашаётган томонларнинг сайловолди дастурини фарқлашда сайловчиларга қийинчилик туғдирдишига олиб келган бўлиши мумкин.

*Партия ва унинг номзодларига сайлов кампаниясини ўтказиши учун тенг шарт-шароитларни таъминлаши талаби партия ва номзодларни ўзига хос кампания стратегиясини ва услубини белгилашига, жумладан ўзи хоҳлаган тарзда тадбир ўтказиши ва ташвиқот материалларини дизайн қилишига халақит қилмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим.*

Бешта сиёсий партия раислари ДИИХБ СКМ билан сухбатда кампанияни олиб бориш ва уни молиялаштириш борасидаги қоидалар чекловчи эмас, аксинча қулайликлар яратувчи эканлигини таъкидлаган. Уларнинг ҳеч қайсиси, имконият бўлганда, кампанияни бошқача ўтказиши мумкинлигига ишора қилмаган.<sup>46</sup> Унчалик қизғин бўлмаган сайловолди кампанияси билан бир қаторда бу факт партиялар ҳаққоний рақобатга киришиш нияти ҳакида саволлар туғдиради.

Баъзи бир истиснолардан ташқари, партиялар ва номзодлар ўзининг анаънавий электоратидан бошқа ижтимоий гурухларга мурожаат қилмагандек туюлди. Асосий эътибор ижтимоий ҳимоя ва таъминот, иқтисодий ривожланиш мавзуларига қаратилган. Умуман олганда, номзодлар ўз рақибларининг сиёсий платформасини танқид қилмади. Барча партиялар президент сиёсати ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашига бот-бот ургу берган. Бунинг натижасида, сайлов кампаниясида рақобат кузатилмади, сайловчиларга бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган сиёсий қарашлар тақдим этилган ва бу сайловчиларнинг танловини чеклаган. Сайловолди кампанияси фақатгина тор доираларда қизиқиш ўйғотган кўринади.<sup>47</sup> ДИИХБ СКМнинг оралиқ хисоботи 13 декабря эълон қилингандан сўнг, МСК 17 декабря номзодларга сайловолди ташвиқотини шиддатлироқ олиб боришга, шу жумладан сайловчилар билан кўпроқ учрашувлар ўтказишга, анъанавий ва ижтимоий медиада фаолроқ бўлишга ундан қарор чиқарди. Кампаниянинг сўнгги даврида УСКлар сайловчиларни режалаштирилган тадбирлар ҳакида хабардор этишга чақирилган.

Гендер тенглик масалалари сайловолди кампанияси мобайнида унчалик муҳим мавзуга айланмаган. Аёллар сайловолди тадбирлартда ҳам оддий кузатувчи, ҳам сўзга чиқувчи сифатида қатнашган бўлса ҳам, умуман олганда улар кўп кўзга ташланмаган.<sup>48</sup> Сиёсий партиялар номзод аёлларни фаол тарғиб қилмаган. Партияларда раҳбар лавозимларида аёллар унчалик кўп эмас. Миссия кузатган ОАВ кампанияни ёритишида 99 фоиз диққатни эркак номзодларга тортган. Маҳалла қўмиталари ва бир қатор бошқа давлат молиялаштирган жамоат бирлашмалари, шу жумладан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси сайловчиларни сафарбар этишга қаратилган тадбирлар ўтказган. ДИИХБ СКМ сухбатдошлари, шу жумладан аёллар масаласидаги мустақил

<sup>45</sup> ДИИХБ СКМ 32 та сайловолди тадбирида қатнашди, шуларнинг ҳар бирида тахминан 100 киши ҳозир бўлган.

<sup>46</sup> Фақатгина оз сонли номзодлар ДИИХБ СКМ билан сухбатда улар учун ажратилган пул миқдори кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқлигини айтган.

<sup>47</sup> 10 декабря бўлиб ўтган матбуот анжуманида МСК раиси сайловчилардан партия номзодлари ҳамон танилмаётгани/кўринмаётгани ҳакида шикоятлар тушаётганига ишора қилган.

<sup>48</sup> ДИИХБ СКМ кузатувларига кўра, тадбирлардаги аудиториянинг 52 фоизини аёллар ташкил этган. 32 кузатилган тадбирларнинг 23 тасида аёллар сўзга чиқкан.

фаоллар, аёлларнинг жамоат хаётидаги фаолроқ иштирокига гендер стереотиплари ва ўрнашган партриархал қарашлар асосий ғов бўлаётганини таъкидлаган.<sup>49</sup>

Умуман олганда, партиялар ногиронлиги бор инсонларни сайловда қатнашишини қўллаб-кувватлашга унчалик ҳаракат қилмади, бундай инсонларнинг ҳак-хукуқлари масаласи сайловолди кампанияси мобайнида унчалик муҳим мавзуга ҳам айланмаган. Партия вебсайтлари ҳам ногиронлиги бор инсонларга қулай форматни тақдим этмаган. Ижобий томонда, партияларга ажратилган бепул эфир вақтида ишора тилида таржима кетган, лекин партиялар ногиронлиги бор инсонлар учун қулай шаклда тарғибот воситаларини ишлаб чиқмаган. Сайлов тадбирлари ўтган жойлар ҳар доим ҳам ногиронлиги бор инсонлар қатнашиши учун қулай бўлмаган.

## X. КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Қонунчиликда партия ёки унинг номзодининг сайловлар, хусусан сайловолди кампанияси билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлари давлат бюджетидан қопланиши шартлиги белгиланган. Чет давлатларнинг, улар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари хисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-кувватлаш тақиқланади. Ташибоқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Сиёсий партия ва номзодларнинг сайловга доир ҳаражатлари, шу жумладан сайловолди ташвиқот ҳаражатлари давлат бюджети маблағларидан таъминланади. Давлат томонидан ажратиладиган маблағ ҳажмини МСК белгилайди. Сиёсий партиялар ёки уларнинг номзодларини сайловда шахсий манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-кувватлаш тақиқланади, бундай ёрдам келиб тушганда хайрия ёрдами берувчига қайтарилиши, қайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим. Лекин қонунчиликда сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равища бериши мумкинлиги айтлган. Бу маблағлар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси жараёнида улардан фойдаланиш учун қабул қилиб олинади. ДИИХБ СКМга МСК хабар беришича, ушбу сайловлар мобайнида бундай ихтиёрий маблағлар МСКга келиб тушмаган.

Партия сайлов учун оладиган маблағнинг ҳажми мазкур партия рўйхатга олган номзодлар сонига боғлиқ. 2019 йилги парламент сайловларига МСК тахминан 8,12 миллиард сўм (853, 800 Евро эквивалентида) ажратган бўлиб, ҳар бир партия учун тахминан 1,62 миллиард сўм (154,759 Евро эквивалентида) тўғри келмоқда.<sup>50</sup> МСК қарорига кўра, партиялар уларга ажратилган сумманинг 30 фоизини номзоднинг шахсий хисоб варағига ўтказиб бериши керак. Бу ҳар бир номзод 3,25

<sup>49</sup> Шунингдек, [Хотин-кизлар хукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги \(CEDAW\)](#) конвенциясининг хуроса қисмининг 15 бандига қаранг: “[...] аёлларнинг жамият ҳамда оиласидаги ўрни ва вазифалари борасидаги чукур илдиз отган партриархал қарашлар ва стереотиплар ўз навбатида аёлларнинг таълим ва қасбий танловига, сиёсий ва жамоат хаётида чекланган иштирокига, меҳнат бозоридаги нотенг иштирокига сабаб бўлмоқда”.

<sup>50</sup> 1 EUR тахминан 10,400 сўмга тўғри келади. МСК такрорий сайловларда қатнашаётган номзодларга кўшимча маблағ ажратган.

миллион сўмдан (350 Евро эквиваленти) қабул қилганини англаади.<sup>51</sup> ДИИХБ СКМ билан сұхбатлашган номзодларнинг айтишича, бу сумма ишончли вакилларининг йўл кираси ёки кўшимча тарғибот воситаларини (асосан, флаерлар) чоп этиш каби кичик ҳаражатларни қоплаган.<sup>52</sup>

Шахсий манбалардан сайлов кампаниясини молиялаштиришга бўлган тақиқ фуқароларнинг ўз маблағларидан ўzlари истаган партия ёки номзоднинг сайлов кампаниясини молиялаштиришга йўл кўймайди, бу эса халқаро намунавий амалиётларга зиддир.<sup>53</sup> МСК томонидан номзодларга ажратилган маблағ миқдори сайлов кампаниясини етарлича молиялаштиришга йўл бермайди ва натижада кўшимча, айниқса сайловчиларга тарқатиладиган тарғибот воситаларини сотиб олишга имкон бермайди.

*Партия ва номзодларга ўз сайлов кампаниясини молиявий режалаштиришида, жумладан партия ва номзодларга фуқаролардан тўғридан тўғри ҳайрия ёрдамини олиши имконини бериши каби кўпроқ эркинлик бериши мақсадга мувофиқдир. Қонунчиликда уибу ёрдамнинг ҳажми, муддатлари ва усули, ҳамда шаҳсий манбалардан олинган ҳайриялар ҳақида ҳисоботдорлик талаблари тартибга солиниши мумкин.*

Кампанияни молиялаштириш шаффофлигини ошишини таъминлайдиган сайловолди кампанияси ҳақидаги молиявий ҳисботни бериш ҳуқуқий талаби мавжуд эмас.<sup>54</sup> Ижобий томонда, илк бор, сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичида ўз расмий веб- сайтларида ва босма нашрларда эълон қилиши шарт.

*Шаффофликни ошириши мақсадида, партиялар сайлов кунидан олдин сайлов билан боғлиқ ҳаражатлари ҳақида оралиқ ҳисботини беришини талаб этиши мақсадга мувофиқдир.*

Сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этиши борасидаги сарфлар тўғрисидаги ҳисботни сайлов кунидан 25 кун ичида МСКга тақдим этади. МСК бу ҳисботни беш кун ичида ўрганиб чиқиши ва Молия вазирлигига ўрганиб чиқиш учун тақдим этиши керак. Сиёсий партияларни

<sup>51</sup> Маблағнинг қолган 70 фоизини партия сайлов билан боғлиқ бошқа ҳаражатларга сарфлайди.

<sup>52</sup> Сайлов Кодексида 10 гача ишончли вакилга рухсат берилган. Тошкентда жойлашган реклама агентлигининг таъкидлашича, ушбу сумма иккита билбоард остиришга этади. Бир қатор номзод улар учун ажратилган пул миқдори кўпроқ бўлиши мақсадга мувофиқлигини айтган.

<sup>53</sup> [ЕХХТ/ДИИХБ билан Европа Кенгаши қабул қилган Венеция комиссиясининг Сиёсий партиялар](#) йўрикномаси 170-бандига кўра, “давлат ва унинг фуқаролари сиёсий партияларни кўллаб-куватлаш ҳуқуқига эга, бу ҳам сиёсий иштирокнинг бир тури. Дарҳақиқат, қонунчиликда партиялар камида қисман шахсий маблағлар эвасига молиялаштириши кўзда тутилиши керак. Тегишли қонунчилик билан тақиқланган молия манбасидан ҳариж, барча шахслар ўзи истаган партияни молиявий ёки хизмат кўрсатиш орқали кўллаб-куватлаш ҳуқуқига эга”. Венеция комиссиясининг Сиёсий партиялар йўрикномасининг 176-бандида ҳам “қонунчиликда партияни молиялаштириш манбаи сифатида жамоат маблағи ва шахсий ҳайриялар орасида муносиб мувозанат ўрнатилишига ҳаракат қилиниши керак” деб белгиланган.

<sup>54</sup> 2004 йилдаги БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг 7 (3) моддасида “хар бир иштирокчи давлатга .... вакиллик органига номзодларнинг иштирокини маблағлаштиришга, ва керак бўлса, партияларни маблағлаштиришга доир шаффофликни ошириш учун керакли ҳуқуқий ва маъмурий чораларни кўриши тавсия этилади”. 2016 йилдаги Маъмурий ресурсларнинг сувиштимон милии килишни олдини олиш бўйича [ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция қўмитасининг қўшма йўрикномасида](#) “сайлов жараёнида сиёсий партия ва номзодлар томонидан жамоат маблағларини сарфлашини шаффофлиги ва ҳисобдорлиги қонунчиликда кўзда тутилиши керак” дейилган. Шунингдек, Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция қўмитаси йўрикномасининг 194-бандида ҳам “шаффофлик мухим, чунки жамоатчилик муносиб маълумотни олишга хақли. Сайловчилар сиёсий партияларга берилган маблағлар ҳақида маълумот берилиши шарт” дейилган.

молиялаштириш ҳақидаги қонунга биноан, партиялар ҳар йили 25 январгача молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига хисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий хисобот тақдим этиши шарт. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти тўғрисидаги қонунга биноан, партиялар ҳар йили Адлия вазирлигига молиявий хисобот тақдим этиши шарт. Молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни Ҳисоб палатаси ҳамда Қонунчилик палатаси амалга оширади. Тафтиш ва аудит талаблари мураккабдир, назорат қилувчи органлар тафтиш хulosаларини чоп этиш талабининг мавжуд эмаслиги шаффоффликка путур етказади.

*Қонунчиликка ўзгартиришлар киритиши орқали партия молиявий ҳисобдорлиги бўйича талабларни тартибга солиш ва соддалашибтириши, ҳамда назорат органлари тафтиши хulosаларини вақтида ошкор этишини таъминлаши масаласини кўриб чиқши мақсадга мувофиқдир.*

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айборд шахсларга нисбатан маъмурий жазоchorаси кўрилади. Шубҳали молиявий хисобот бўйича прокуратура иш очиши мумкин. Тегишли мутасаддиларнинг ДИИХБ СКМга хабар беришича, ҳозирги кунгача сайловдаги иштирокни молиялаштириш борасида ҳуқуқбузарлик аниқланмаган. Яъни, тартибларнинг самаралиги ҳамда жазоchorасиининг мутаносиблиги ҳали амалда синааб кўрилмаган.

## XI. МЕДИА

### A. ҲУҚУҚИЙ - МЕЪЁРИЙ АСОС

Конституцияда сўз ва фикр эркинлиги, маълумотлардан teng фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган, цензура тақиқланган лекин айни вақтда, оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларнинг “ҳаққонийлиги”га маъсул ҳисобланадилар. Оммавий ахборот воситалари ва ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунлар бу соҳани тартибловчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб, бу қонунлар учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун уни ўз платформасида тарқатган воситани жавобгар қилиш орқали ОАВ эркинлигини чеклади.<sup>55</sup> Тухмат, бўхтон, “фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишchanлик обрўсини таҳқирлаш”, “ёлғон маълумотларни” тарқатиш, журналистлар томонидан “ички фаолиятга” аралashiш қонун ҳужжатларига мувофиқ З йилгача қамоқ жазосига сабаб бўлади. Президент 2019 йил 13 декабрда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига (АОКА) тухмат ва ҳақорат учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган нормани бекор қилиш масаласи кўриб чиқиши топширган.<sup>56</sup>

*Сўз ва фикр эркинлиги, журналистлар учун маълумотлардан teng фойдаланиши ҳуқуқини тўлиқ кафолатлаши мақсадида медиа соҳасидаги қонунчилик қайта кўриб чиқиши лозим. Ҳақорат ва тухмат учун бериладиган жиноий жазони қўлмишига мутаносиб фуқаролик жазоchorаси тегишили халқаро меъёрларга мувофиқ бекор қилиши масаласи кўриб чиқиши керак.*

<sup>55</sup> “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун блогерга таъриф бераб, веб-саҳифа эгаси ёки блогерга ўз платформасида тарқатган ахборотнинг холислиги ва ишончлилигини текшириш мажбуриятини юклаган.

<sup>56</sup> Барча оммавий ахборот воситалари, жумладан интернет ОАВлари ҳам АОКА томонидан рўйхатга олинган бўлиши лозим. Агентлик ОАВнинг фаолияти ахборот соҳасидаги қонунчиликка мувофиқлиги, хусусан мазмун устидан назорат олиб боради.

Учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун уни ўз платформасида тарқатган ОАВ ёки блоггерларни жавобгар қилувчи қонунчилик нормалари бекор қилиншии лозим.

## B. МЕДИА МУХИТ

Сўнгти пайтларда медиада сўз эркинлиги даражаси анча яхшиланган. 2019 йилнинг майида АОКА бир қатор мустақил интернет ОАВга Ўзбекистон ҳудудидан кириш имкониятини тиклади. Лекин АОКА фаолияти ахборот соҳасидаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаган деб топилган ОАВга киришни огохлантирмасдан блоклаши мумкин.

2019 йилда ўз професионал фаолияти деб қамалган бир қатор журналистлар озод этилди. Сиёсий мавзуларда тобора кўпроқ дастурлар узатилмоқда, ДИИХБ СКМ сұхбатдошларининг айтишича, ОАВ коррупция ёки мажбурий меҳнат каби нозик масалаларни тобора кўпроқ ёритмоқда. Бу ижобий ўзгаришларга қарамай, зўравонлик ва таҳдид туфайли ўзини цензура қилаётган журналистлар учун хавфсизлик масаласи ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда кўпгина ОАВ турлари мавжуд.<sup>57</sup> Телевидение ва радио маълумот олишнинг асосий манбаи ҳисобланади, лекин онлайн хабар сайtlари, ижтимоий тармоқлар ва ёзишув хизматлари, жумладан Telegram иловаси ахборот олишнинг тобора муҳим манбасига айланмоқда. Давлатга тегишли тўртта миллий ТВ канал ва иккита энг катта хусусий ТВ каналлар сиёсий мавзуларни ёритади. Мустақил фикр ва таҳлил манбаи сифатида кўпроқ мустақил блогерларга мурожаат қилинмоқда.

Сайлов кодекси ва МСКнинг қатор қарорлари расмий сайловолди кампанияси бошлангандан сўнг номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ёритишни белгилайди. Сайлов кодексида давлатга тегишли ОАВ томонидан тенг ва бепул эфир вақти ва нашр майдони ажратилиши кўзда тутилган.<sup>58</sup> Хусусий ОАВ сиёсий реклама сотса, барча партиялар учун тенг имконият ва шароит бериши керак.

## C. КАМПАНИЯНИ ЁРИТИШ

ДИИХБ СКМ бир қатор миллий ва минтақавий ОАВ мазмун жиҳатдан таҳлил қилди.<sup>59</sup> Мониторинг натижалари шуни кўрсатдиги, иккита давлатга тегишли телеканал (Ўзбекистон ва Ўзбекистон 24) барча партияларга тенг эфир вақтини ажратган, лекин хабарларда асосан (хабарларнинг 63 фоизида) президент фаолияти ёритилган. Хусусий Uzreport телеканали ҳам тенглик талабига мувофиқ партиялар фаолиятини ёритган, бу телеканалда ҳам б фоиз президент, 9 фоиз хукумат фаолияти ёритилган. Давлатга тегишли “Ёшлар” ва “Ўзбекистон” радиоканаллари ўз хабарларининг 30 фоизини ҳукумат ва президент фаолиятини ёритишга бағишилаган, партиялар фаолияти ҳам тенг ва 65 фоиз ҳолларда ижобий оҳангда ёритилган. Ҳам давлат, ҳам хусусий ОАВда тўлов асосида партияларнинг сиёсий reklamasи кетган.

<sup>57</sup> АОКА маълумотларига кўра, мамлакатда 1,765 та ОАВ рўйхатдан ўтган.

<sup>58</sup> Сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 4 та каналида ҳафтасига 30 дақиқадан, кунига 30 секунд бепул эфир ажратилди. Белгиланган газеталарда 18 ноябрдан 15 декабргача сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи сахифаси бепул ажратилиб, бу ҳақда биринчи сахифада қисқа анонс берилди. 17 – 19 декабрь кунлари ҳар бир партия материалига ярим сахифа ажратилган.

<sup>59</sup> 1 декабрдан бошлаб СКМ учта телеканални (Ўзбекистон, Ўзбекистон 24 ва Uzreport), иккита радиоканални (Ўзбекистон ва Ёшлар), учта босма нашрларни (“Халқ сўзи”, Народное слово”, “Правда Востока” газеталарини) мазмун жиҳатдан таҳлил қилди.

Умуман олганда, давлатга тегишли ОАВда партияларга бепул ажратилган эфир вақти бу ОАВнинг сайловолди кампаниясини ёритишга ажратган вақтидан кўпроқ бўлди. Хусусий ОАВнинг хабар ва муҳокама дастурларида ҳам сайловолди кампаниясини ёритишга кам вақт ажратилган эди. Бунга жавобан, МСК журналистларга партия сайловолди дастурларини таҳлил ва муҳокама қилишга кўпроқ вақт ажратишларини тавсия қилган.

*Аҳолини партиялар дастурларидан самарали хабардор қилиши учун сайлов даврида медиа партиялар ва уларнинг номзодларининг фаолиятини кўпроқ ёритилишига, сиёсий таҳлилга бой дастурларни узатишга кўпроқ аҳамият берииши мақсадга мувофиқдир.*

СКМ кузатган ОАВ МСК қарорида белгиланган бепул эфир вақти ва нашр ҳажмига тўлиқ риоя қилган, лекин бош мақолалар қисмида партия ёки номзодлар билан боғлиқ ҳеч қандай мақолалар чоп этилмаган.

Эркак сиёсий арбоблар ва номзодларга қараганда аёл арбоблар ва номзодлар фаолиятининг ОАВда ёритилиши ўта паст эди. СКМ кузатган ТВ каналларда сиёсий мавзулардаги дастурларда аёлларга 5 фоиз эфир вақти ажратилган.<sup>60</sup>

*ОАВ таҳририят сиёсатида аёл сиёсий арбобларни, жумладан аёл номзодларни ҳам эркак сиёсий арбобларлар билан тенг тарзда ёритиши масаласига дикқат қаратишииги лозим.*

Ўзбекистонда илк маротаба ТВ орқали узатилган партиялараро дебатлар ўтказилди. Умуман олганда, 51 дебат ўтказилди, шулардан 25 таси Халқаро пресс-клубда асосан жонли эфирда узатилди. Жонли узатилмаган дебатлар техник жиҳатдангина таҳрир қилинди. ХПКдан ташқари Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЭОАВМА) ҳам ўтказган 26 та дебат, шу жумладан 6 таси жонли эфирда хусусий телеканалларда эфирга узатилди.

Умуман олганда, номзодлар ўртасида дебатларнинг ўтказилиши сиёсий ва медиа соҳасининг очилишида муҳим қадам бўлди. Кечроқ бўлса ҳам, анаънавий ОАВ журналистлари дебатларда кўтарилаётган мавзуларни ёки партия сайловолди дастурларини таҳлил ва муҳокама қилишга киришганини ижобий силжиш сифатида қараш мумкин. Шу билан бирга, сайловдан кейин “Миллий Тикланиш” ва “Адолат” партиялари ХПК бошловчисининг бетарафлигини шубҳа остига олиб, унинг модераторлиги бошқа партияларга ён босганини иддао қилди. ДИИХБ СКМ мониторинг таҳлиллари дебатлар даврида ҳеч қандай ён босишлиарни аниқламади.

Партиялар ижтимоий тармоқлардан, хусусан Facebook платформаси ва Telegram каналларидан, ташвиқот усусларини диверсификациялаш учун фойдаланди, лекин ижтимоий тармоқларда кузатилган сайловолди ташвиқот даражаси ҳам паст бўлган.<sup>61</sup> Ноодатий тарзда, МСК партиялар ва номзодларга ижтимоий медиада фаолроқ бўлишни тавсия этган (2019 йил 17 декабрдаги 1008 рақами) қарор чиқарди. ДИИХБ СКМ сиёсий партиялар асосий ижтимоий тармоқларда пуллик реклама жойлаштирганидан хабардор эмас.

<sup>60</sup> Сиёсий партияларни тартиблаштириш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция қўмитаси йўриқномасининг 181-бандида “аёл ва эркакни стереотиплашмаган ва мувозанатли шаклда акс этиш ҳамда аёл ва эркак номзодларнинг қобилият ва кўнинкамларини ҳақиқий ифодасини акс этиш орқали медиа генден стереотиплар билан курашда муҳим роль ўйнайди” дейилган.

<sup>61</sup> Сайлов иштирокчиларининг ижтимоий медиадаги фаолияти асосан тарғибот тадбирлари ҳакида хабар бериш ва ОАВдаги мақолаларни тарқатиш билан кифояланган.

Кўпгина ОАВ сайлов ташкиллаштирилишини кенг ёритди, ДИИХБ СКМ кузатган бешта каналда МСКга 9 фоиз прайм-тайм эфир вақти ажратилган. ОАВда шунингдек МСК ишлаб чиқкан сайловларга чорловчи ижтимоий роликлар кенг ёритилгани олқишига сазовордир.

## XII. МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАР ИШТИРОКИ

Ўзбекистон кўп миллатли давлатдир. Ўзбеклардан ташқари, асосий этник гурухлар тожик, қозок, рус ва қорақалпоқлардан иборат.<sup>62</sup> Конституцияда барча фуқаролар учун жинси, ирқи, миллати, тилидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар кафилланган. Конституцияда шунингдек Қоралпоғистоннинг парламентда, Вазирлар Маҳкамасида ҳамда Конституциявий судда вакиллиги таъминланган.

Барча партияларда миллий озчиликлардан номзодларни илғор сурган. Ҳеч қайси партия миллий озчиликларга маҳсус ўз электорати сифатида қарамаган, миллатлараро масалалар сайловолди кампаниясининг кун тартибида ўрин олмаган. ДИИХБ СКМга партиялардаги сухбатдошларнинг маълум қилишича, партиялар ўз тарғибот ва ташвиқот материалларини миллий озчиликлар тилида ҳам чоп этган, лекин кузатувчилар қорақалпоқ ва рус тилидан бошқа озчиликлар тилида бундай материалларни кўрмаган. МСК қарорига биноан, (тожик тилидаги) “Овози точик” ва (қозок тилидаги) “Нурли жол” газеталарида бепул сайловолди материаллари жойлаштирилган. ДИИХБ СКМ кузатган сайловолди тадбирларда, Қорақалпоғистондан ташқари, озчиликлар тилидан камдан кам фойдаланилган. Сайлов кампанияси жараёнида миллий озчиликларга нисбатан салбий муносабат ёки камситувчи ҳаракатлар кузатилмади, бу ҳақида хабар берилмади.

Сайлов Кодексига кўра, сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек ОСК қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Сайлов бюллетенлари ўзбек тилида (лотин ва кирилл ёзувидан), рус ёки қорақалпоқ тилида нашр этилган. Сайлов бюллетенлари баъзи округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган бошқа тилларда нашр этилмаган.<sup>63</sup> Кузатувчилар бу масалада миллий озчиликлардан шикоятни кузатмаган бўлса ҳам, бу амалиёт ЕХХТ мажбуриятлари ва халқаро стандартларга зиддир.<sup>64</sup> Рус тили расмий мақомга эга бўлмаса ҳам, сайловларга оид айрим материаллар, шу жумладан бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ва МСК қарорлари, ҳам рус, ҳам ўзбек тилида чоп этилган.

*Сайловларга оид материалларни рус ва қорақалпоғ тилидан бошқа миллий озчиликлар тилида ҳам чоп этиши мақсадга мувофиқдир, айниқса бундай озчиликлар зич яшайдиган ҳудудларда.*

МСК хабарига кўра, 2019 йил 22 декабри ва 2020 йил 5 январдаги сайловларда Қонунчилик палатасига сайланган депутатларининг 20 нафари (13 фоизи) миллий озчиликларга мансуб.<sup>65</sup>

<sup>62</sup> 2017 йилдаги расмий статистик маълумотларга кўра, ўзбеклар аҳолининг 83.8 фоизини ташкил этади. Сўнгги расмий аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган.

<sup>63</sup> Масалан, тожик миллатига мансуб аҳоли Самарқанд ва Бухоро вилоятлардаги ҳудудларда зич яшайди.

<sup>64</sup> 1990 йилги ЕХХТ Копенгаген ҳужжати 32.5-банди “майда миллатлар каторига кирувчи инсонлар ... ўз она тилида маълумот тарқатиш, унга эга бўлиш ва у билан алмашиб ҳуқуқига эга” дейилган. ФСХХП 25-моддасига 2011 йилда берилган 25-сон Умумий изоҳининг 12-бандида “сайлов тўғрисидаги ахборот ва материаллар майда миллат тилларида таъминланиши лозим” деб қайд қилинган.

<sup>65</sup> МСК 2020 йил 6 январ тарқатган маълумотига кўра, ҚПга 150 нафар сайланган депутатлардан 130 нафари (87 фоизи) ўзбек, 5 нафари қорақалпоқ, 5 нафари рус, 3 нафари тожик, 3 нафари қозок, 2 нафари корей, 1 кирғиз ва 1 нафар туркман миллатига мансубdir.

### XIII. ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР

Сайлов кодекси сайлов жараёнини халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, сиёсий партияларнинг вакиллари, ва илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш Маҳалла қўмиталаридан кузатувчилар кузатишини белгилаб берган. Журналистлар ҳам сайлов жараёнини кузатиш учун аккредитациядан ўтиши мумкин. МСК қарори билан, кузатувчилар ваколати округ бўйича сайлов натижаларини округ сайлов комиссиясининг мажлисида аниқланиши ва баённомага киритилишини кузатишгача кенгайтирилди, лекин бу қарорда кузатувчилар УСКда баённома тузилишини кузатишга ваколати мавжудлиги аниқ айтилмаган.

Маҳалла қўмиталари сайловга тайёргарлик ишларида муҳим ўрин тутган диққатга сазовор. УСК аъзолигига номзод таклиф этишдаги ролидан ташқари, улар сайлов участка чегарасини белгилашда, сайловчилар рўйхатини тузишда ва текширишда, сайловолди тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатган.<sup>66</sup> Маҳалла қўмиталарининг турли даражадаги сайлов комиссияларининг ишида фаоллиги кузатувчи сифатида фаолиятига таъсир қилиши, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин.

Халқаро ва маҳаллий ОАВ вакилларига ҳам сайлов жараёнини ёритиш учун шунга ўхшаш ваколат берилган. Сайлов жараёнида бошқа мустақил фуқаролик ташкилотлари, хусусий ташкилотлар ёки алоҳида фуқаролар учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти кўзда тутилмаган, бу эса халқаро стандартлар ва мажбуриятларга зиддир.<sup>67</sup>

*EXXT мажбуриятлари ва халқаро стандартларга мувофиқ тарзда, сайлов жараёнида мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириш имконияти берилиши мақсадга мувофиқдир.*

Кузатувчилардан ташқари, беллашаётган партиялар “ваколатли вакил” ва “ишончли вакил”ларини тайинлаши мумкин. Лекин қонунчиликда бу тоифаларнинг хукуқ ва мажбурияти аниқ фарқланмаган, бу ноаниқликларга сабаб бўлиши мумкин. Беллашаётган томонлар уч тоифадаги вакилларига эга бўлиши сайлов куни сайлов участкасида одам кўпайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Жами, ОСКлар 70 000 нафар партия ва Маҳалла қўмитасидан кузатувчиларга мандат берган. МСК хабарига кўра, 130 мингдан кўп ваколатли вакил ва ишончли вакилларга ҳам мандат берилган. МСК 820 нафар халқаро кузатувчилар ва 1135 журналистларга, шу жумладан 135 нафар халқаро журналистга аккредитация берган.

### XIV. ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ

Сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида шикоят қилиш борасидаги ҳуқуқий нормалар умуман олганда шикоятларни кўриб чиқиш ва тегишли қарор чиқариш учун муносиб асос яратган.

<sup>66</sup> 2012 йилдаги Венеция Комиссиясининг Сайловларни жамоатчи бетараф кузатувчиларининг намунавий амалиёти кодексида фуқаролик жамиятининг бетараф кузатувчилари хукumatдан, жумладан сайлов маъмуриятидан мустақил бўлиши кераклиги таъкидланган.

<sup>67</sup> Копенгаген Ҳужжатининг 8-параграфини ва Фуқаролик ва Сиёсий Ҳукуклар тўғрисидаги Пактнинг 25-моддасига БМТ Инсон Ҳукуклари Кўмитасининг Умумий Шархининг (25-Умумий Шарх) 20 параграфига каранг.

Жисмоний ва юридик шахслар сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида сайлов комиссияларига шикоят қилишлари мумкин. Сайлов комиссиялари бу шикоятларга уч кун ичida, сайловгача олти кундан кам муддат қолган ҳолларда дарҳол жавоб бериши лозим бўлади.<sup>68</sup> Барча шикоятлар маҳсус рўйхатга олинниб, шикоятчи натижадан хабардор қилиниши керак, лекин шикоятлар асосида қабул қилинган қарорларни чоп этиш ҳуқуқий мажбурияти мавжуд эмас.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Масалан, МСК ва бошқа сайлов комиссияларининг фаолиятига аралashiш жарима солишга сабаб бўлади. Жиноят кодексида сайлов соҳасидаги жиддий ҳуқуқбузарликлар жарима, уч йилгача ахлоқ тузатиши ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.<sup>69</sup>

Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар ОСК ва УСК қарорлари устидан юқори мартабали сайлов комиссиясига ёки фуқаролик ишлари билан шугулланувчи биринчи масъул (туман) судига мазкур қарорлардан кейинги 10 кун ичida шикоят қилишлари мумкин. Бу сайлов ва натижаларнинг легитимлиги борасида узоқ давом этадиган баҳсларга олиб келиши мумкин.<sup>70</sup>

*Шикоят қилиши муддатларини ҳалқаро намунавий амалиётларга мувофиқ камайтиши масаласини кўриб чиқши лозим.*

Судларга, комиссияларга ҳам қарор қабул қилиш учун уч кун муддат белгиланган. Сайловгача олти кундан кам муддат қолган ҳолларда масъул идора дарҳол қарор чиқариши лозим бўлади. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар факат Олий судга тақдим этилиши мумкин. ОСК ва УСК қарорлари устидан шикоят қилишнинг икки йўли (суд ёки юқори турувчи сайлов комиссияси) кўзда тутилганлиги англашмовчиликка олиб келиши, комиссиялар билан судларни такорий шикоятлар билан банд қилиб қўйиши, бир хил бўлмаган ва бир-бирига зид қарор ва ҳукмлар чиқарилишига олиб келиши мумкин.<sup>71</sup>

*Такорий шикоятлар, бир хил бўлмаган ва бир-бирига зид қарор ва ҳукмлар чиқарилишининг эҳтимолини олдини олиши учун икки усулда шикоят қилиши тизими қайта кўриб чиқилиши лозим.*

ДИИХБ СКМга МСК хабар беришича, 20 сентябрдан 20 декабргача МСКга фуқаро ва юридик шахслардан 573 ёзма мурожаат келиб тушган. Бу мурожаатларда кўтарилган мавзулар номзодни қўйиши ва рўйхатга олишдан (асосан Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловларга) тортиб, то умумий таклиф ва мулоҳазаларгача бўлган мавзулардан иборат. МСК мурожаатларнинг ярмидан кўпига ўзи жавоб берган, қолган 200 шиклоятни ваколатли органларга

<sup>68</sup> Фуқарода жиноят ҳақида маълумот бўлса, фуқаро тўғридан тўғри прокуратурага ёки ички ишларга ҳам мурожаат қилиши мумкин.

<sup>69</sup> Сайлов борасидаги жиноий ҳуқуқбузарликлар қаторига овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов хужжатларини калбакилаштириш, сайлов ёки имзо варакаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри хисоблаш, фуқароларнинг референдумда эркин иштирок этишларига зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўсқинлик қилиш кабилар киради.

<sup>70</sup> Намунавий амалиёт кодексининг II.3.3 г- бандида “шикоятларни кўриб чиқиш муддати кисқа (биринчи инстанцияда 3-5 кун оралиғида) бўлиши” тавсия этилган.

<sup>71</sup> Намунавий амалиёт кодексининг II.3.3 г- бандида “шикоятларни кўриб чиқиш муддати кисқа (биринчи инстанцияда 3-5 кун оралиғида) бўлиши” тавсия этилган.

кўриб чиқиши учун юборган.<sup>72</sup> Бош прокуратура ДИИХБ СКМга маҳаллий хокимликлар сайлов жараённига аралашиши билан боғлиқ 11 шикоятни тегишли тартибда кўриб чиқаётганини билдирган.

## XV. САЙЛОВ КУНИ

### A. МУДДАТДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

Муддатидан олдин 12 –18 декабрь кунлари овоз берилди, жуда кам сайловчи бу имкониятдан фойдаланган.<sup>73</sup> Сайлов бюллетенининг тузилиши яширин овоз беришни таъминласа ҳам, конвертнинг елимланган жойи овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланиши яширин овоз талабига мос эмас.

*Муддатидан олдин овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш учун, масалан, икки конверт тизимини татбиқ этиши мақсадга мувофиқдир.*

### B. УЧАСТКАЛАР ОЧИЛИШИ ВА САЙЛОВ ЖАРАЁНИ

СКХМ 133 сайлов участка очилиш жараёнини кузатди. Кузатувчилар 93 фоиз ҳолларда бу жараённи ижобий баҳолади. Очилиш жараёни умуман олганда яхши ташкиллаштирилган, лекин УСКларнинг 29 фоизи рўйхатга олинган сайловчиларнинг сонини эълон қилмаган, УСКларнинг 43 фоизи қабул қилиб олинган бюллетенларнинг сонини эълон қилмаган.

СКХМ сайлов жараёнини 1272 та сайлов участкасида кузатди. Участкаларнинг аксариятида, 77 фоизида, ҳаракатланиши чекланган сайловчиларга қулай шароит яратилган, 92 фоиз участкаларида ногиронлиги бор инсонлар учун қулайликлар яратилган. Аёллар УСК аъзоларининг ярмидан кўпини ташкил этса ҳам, УСК раисларининг орасида 36 фоизни ташкил этди. Кузатилган сайлов участкаларининг деярли барчасида партия кузатувчилари мавжуд эди. “Маҳалла” вакиллари ҳам кузатилган сайлов участкаларининг учдан икки қисмида кузатувчи сифатида ҳозир эди. Сайлов участкаларнинг 18 фоизида ваколати бўлмаган шахслар турган эди, участкаларнинг 6 фоизида улар УСК фаолиятига аралашаётган ёки УСК ишини мувофиқлаштираётган эди.<sup>74</sup>

*МСК сайлов участкаларида сайлов куни бунга ваколати бўлмаган бегона шахсларнинг туришига қарши қатъий чора кўриши, мутасадди органлар УСК фаолиятига аралашаётган шахсларга қарши чора кўриши лозим.*

Умуман олганда кузатувларнинг 14 фоизида овоз бериш жараёни салбий баҳоланди, бу жиддий процедурал камчиликларга ишорадир. Сайловчилар асосан эрталаб фаол овоз беришди, одамлар

<sup>72</sup> Мурожаатлар жумладан Бош прокуратурага (76 таси), сиёсий партияларга (62), ИИВга (8), Конунчилик палатасига (7), Олий Судга (2) юборилган. Бир қатор мурожаатлар 20 декабрь муддатига ҳамон ҳал қилиниши кутилаётган эди.

<sup>73</sup> МСК хабарига кўра, 59266 фуқаро мамлакатда, 89807 фуқаро хорижда муддатидан олдин овоз берди.

<sup>74</sup> Шу жумладан, кузатувчи сифатида аккредитациядан ўтмаган “Маҳалла” вакиллари, участка жойлашган идоранинг расмийлари ва қонунда кўрсатилмаган “кўнгиллилар”

участкаларда тўпланиб қолганлиги ҳамда процедурал камчиликлар ҳакида хисботлар ҳам куннинг шу даврига хосроқ бўлди.<sup>75</sup>

Сайлов жараёни асосан тинч муҳитда ўтди, бироқ ДИИХБ СКМ кузатувчиларининг 3 фоизи фуқаролар сайлашга мажбурланганлигига ишоралар ҳакида хабар берди. Яширин овоз бериш учун шароит яратилган, лекин 5 фоиз сайлов участкаларида бир ёки ундан кўп сайловчилар белгиланган сайлов бюллетенларини бошқа шахсларга қўрсатган, 7 фоиз участкаларда сайловчилар бюллетенини айни кабинкада биргаликда белгилаган (гурух бўлиб овоз бериш).

Сайлов бюллетенларини сақлаш ва назорат қилишда нисбатан камчиликларга йўл қўйилган. Кузатилган сайлов участкаларнинг 13 фоизида ишлатилмаган сайлов бюллетенлари УСК аъзолари ва кузатувчилар аниқ қўриб турадиган жойда сақланмаган, яъна 13 фоизида УСКлар берилиган бюллетенлар сонини қайд этиб бормаган. Нотўғри муҳрланган сайлов кутиси 3 фоиз УСКда кузатилди. Овоз бериш жараёни асосан шаффоф ўтган, лекин 9 фоиз участкалардаги маҳаллий кузатувчиларнинг баъзиларида барча жараённи яққол қўриб туриш имкони бўлмаган.

Қонунга ҳилоф тарзда, кузатилган сайлов участкаларнинг 10 фоизида сайловчиларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз сайлаш имконияти берилиган. Янги марказлашган сайловчилар рўйхатини тузишга кетган ҳаракатларга қарамай, муддатидан олдин сайлов кунлари ва сайлов кунида баъзи УСКлар кўп шахслар маълумотини сайловчиларнинг “қўшимча” рўйхатига киргизиб қўйган.<sup>76</sup> Одатда бу шахснинг яашаш манзилини ёки бошқа сайлов участкасида рўйхатга олинганлигини сайловчиларнинг марказлашган электрон рўйхатидан текширмасдан қилинган.<sup>77</sup> Шундай қилиб, амалиётда, фуқаролар истаган жойда овоз бериши мумкин эди ва бир нечта сайлов участкасида қайта овоз беришни олдини олишга қаратилган механизм мавжуд эмас эди. Шу билан бирга, 11 фоиз участкаларда шахси тасдиқловчи ҳужжатсиз ёки бошқа участкада рўйхатга олинган сайловчиларга ҳақли равищда овоз бериш имкони берилимагани кузатилди.

Сайловчиларга қаратилган мунтазам тренинг ва таълимга қарамай, 8 фоиз сайлов участкаларида бир одам бир неча бор овоз бериши, 10 фоизида бошқалар учун овоз бериши кузатилди.<sup>78</sup> Бошқалар учун овоз берилганлигига шунингдек 28 фоиз сайлов участкаларидаги сайловчилар рўйхатидаги ўхша什 имзолар далил бўлиши мумкин.<sup>79</sup> Бу жиддий қоидабузарликлар УСКларнинг сайловнинг ҳалоллигига садоқати борасида шубҳа туғдиради.

*Давомий ва жиоддий муаммосага айланган тақрор, бошқалар номидан ва гурух бўлиб овоз бериши амалиётига чек қўйиши учун мутасаддиларнинг қатъий ҳаракатлари зарур, жумладан юқоридаги ҳуқуқбузарликнинг амалга оширган сайловчилар ва бунга йўл қўйган УСК аъзоларига қонуний чора қўрилиши лозим.*

<sup>75</sup> 15 фоиз участкаларда одамларнинг тўпланиб қолиши кузатилган. Соат 9 дан 10 гача кузатилган участкаларнинг ярмисида одамлар тўпланиб қолган.

<sup>76</sup> Кузатувчилар олдиндан турли форматда принтердан чиқарилиб қўйилган қўшимча сайловчилар рўйхати ҳакида хабар бердилар. Ўртacha, ҳар бир участкада 80 нафар сайловчи қўшимча рўйхатга киритилган.

<sup>77</sup> Кузатилган 12 фоиз участкаларда УСК электрон маълумотлар базасига уланиш учун терминал йўқ эди.

<sup>78</sup> Кузатувчилар тез-тез хабар беришича, сайловчилар ҳозир бўлмаган инсонларнинг ҳужжатларини тақдим этиб, УСК аъзоларидан улар номидан ҳам қўшимча сайлов бюллетенларини олган.

<sup>79</sup> Баъзи кузатувчиларга кўра, УСК аъзолари ҳалқаро кузатувчилар кузатаётганлиги сабабли сайловчиларни бошқалар номидан овоз беришдан огоҳлантирган.

## C. ОВОЗ САНАШ

СКХМ кузатувчилари 125 сайлов участкасида овоз санаш жараёнини кузатди ва шундан 43 фоизини салбий баҳолади. Партия кузатувчилари ҳозир бўлса ҳам, баъзилари қайси партияга мансублигини ҳам билмади ва улар одатда овоз санаш жараёнига унчалик қизиқиш билдирамади. 24 фоиз участкаларда бунга ваколати бўлмаган шахслар санаш жараёнида иштирок этди, 17 фоизида УСК аъзоси бўлмаганлар, жу жумладан партия ва Мажалла қўмиталаридан кузатувчилар, маҳаллий амалдорлар санаш жараёнига аралашди ёки уни бошқарди, ва баъзи ҳолларда ўзи ҳам бюллетенларни санаща фаол иштирок этди.

Овоз санаш жараёнида кузатилган УСКлар кўпинча баённомани мажбурий мувофиқлаштириш қоидаларига амал қилмади: берилган сайлов бюллетенларнинг рақамини айтмади (53 фоиз участкаларда), пломбаларнинг рақамларини тегишли далолатнома билан солиштирмади (36 фоиз), фойдаланилмаган (39 фоиз) ва бузилган (42 фоиз) сайлов бюллетенларини санаб чиқмади ва/ёки бекор қилмади, сайловчиларга берилган бюллетенлар сонини аниқлаштирмади (48 фоиз) ва бу маълумотларни якуний баённомага киритмади (45 фоиз).<sup>80</sup>

47 фоиз участкаларда қонунчиликда белгилаб берилган овоз санаш босқичларига зид равища, парламент сайловларига овозлар биринчи саналиши ҳақидаги қоидаларга, овоз санаш кетма-кетлигига амал қилинмади, барча даражадаги сайловларга овозларни санаш бир пайтда амалга оширилди.<sup>81</sup> Қолган процедурал хатолар қаторига сайлов қутисидаги бюллетенларни ҳар бир сайлов турига қараб саналмаганини (19 фоиз) ва ҳар бир номзод бўйича алоҳида боғламаларга ажратилмаганини (9 фоиз) киритиш мумкин.

Сайлов қутилари бўшатилганида, СКХМ кузатувчилар 21 фоизи участкаларда бюллетенлар жамлаб ташлаб қўйилганига ёки бир одам бошқаларга овоз берганига ишораларни кўрди. Овозларнинг хаққонийлигининг текшириш изчил бўлмаган (18 фоиз), ва баъзида, асоссиз шаклда (24 фоиз) белгиланди. СКХМ кузатувчилар кузатган участкаларнинг деярли ярмисида (48 фоиз) номзодлар учун берилган овозларни санаш шаффоф ўтмаганини хабар қилди. Кузатилган участкаларнинг 59 фоизида УСК аъзолари якуний баённомани тўлдиришда қийиналгани, 39 фоизида баённомага киритилган рақамлар бир-бирига тўғри келмагани хабар қилинди. 16 фоиз участкаларда УСКлар, талаб этилгандек, баённомани икки нусхада тўлдирмади. Кузатувчиларнинг ярмидан кўпи якуний баённоманинг кўчирма нусҳаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига дарҳол осиб қўйилмаганини хабар берди, бу эса шаффофликни камайтиради. Жиддий процедурал хатолар қаторига шунингдек 13 фоиз участкаларда баённомага аввалдан имзо чекилганлигини, УСК аъзоси бўлмаганлар овоз санаш жараёнида фаол қатнашганини (12 фоиз) ҳамда баённомага (7 фоиз) киритилган маълумотлар атайлаб соҳталаштирилганлигига далиллар мавжудлигини киритиш мумкин.

Қонун талаб қилганидек, 16 фоиз УСКлар овозлар саналгандан кейин баённомаларни дархол тўғри ОСКга олиб бориб топширмади. Баъзи кузатувчиларга кўра, баённомадаги рақамлар сайлов участкасидан ОСКга етиб боргунча номаълум шахслар томонидан ўзgartирилган.

<sup>80</sup> Сайловчилар рўйхатидаги имзолар сони қутидаги сайлов бюллетенлари сонига тенг келиши керак.

<sup>81</sup> Парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов бюллетенларининг ўхшаб кетиши бюллетенларни саралаш жараёнида хатоларга олиб келди.

Овоз санаши жараёнининг ҳалоллигини ошириши учун МСК УСК аъзолари қонунан ўрнатилган тартибга амал қилишини таъминлаш механизмини жорий этиши лозим. Сайлов натижсаларни атайлаб сохталашибирган шахсларга нисбатан қатъий қонуний чоралар кўрилиши шарт.

## D. ОКРУГ БЎЙИЧА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА НАТИЖАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

СКХМ кузатувчилари округ бўйича сайлов натижаларини аниқлашни 95 ОСКда кузатди. УСКлардан фарқли ўлароқ, 17 ОСКлардагина партия кузатувчилари ҳозир бўлган. ОСКларнинг 9 тасида бунга ваколати бўлмаган шахслар санаши жараённида иштирок этган, учта ОСКда улар санаши жараёнини бошқарган. Умуман олганда, 15 та ОСКда округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш жараёни салбий баҳоланган.

СКХМ кузатган 15 та ОСКда жиддий процесуал хато ва камчиликлар ҳакида хабар берилди. Кузатилган ОСКларнинг ярмидан кўпроғида УСК аъзолари УСК баённомасини ОСК биносида тўлдираётганини ёки санаши жараёнидан кейин УСКда якуний баённомага киритилган маълумотларни ўзгартираётгани хабар қилинган, бундай қилишга ОСКларнинг расмий қарори мавжуд бўлмаса ҳам. 7 та округда кузатувчилар УСКлар тўлдирилмаган, лекин УСК аъзолари имзо чеккан якуний баённомаларни тақдим этаётганига гувоҳ бўлган. 77 фоиз кузатувларда ОСКлар УСК баённомаларида хато топган, бта ОСК УСКларнинг бир ёки бир нечта баённомасини бекор қилган.<sup>82</sup>

## XVI. ТАВСИЯЛАР

Матн бўйлаб берилган қуйидаги тавсиялар демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа ҳалқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлалигича мувофиқ равишда Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш борасидаги ҳаракатларни кўллаб-қувватлаш мақсадида кўриб чиқиши учун тақдим этилмоқда. Ушбу тавсиялар ҳозирча муносабатсиз қолган ДИИХБнинг аввалги тавсиялари билан биргаликда ўқилиши керак.<sup>83</sup> ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги ҳисоботларда берилган тавсияларга амал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият органларига ёрдам беришга тайёр.

### A. БИРЛАМЧИ ТАВСИЯЛАР

- Сиёсий партияларни ташкил этиши ва уларнинг фаолияти борасидаги ҳаддан ташқари чекловчи ёки камситувчи хуқуқий чекловлар бартараф этилиши керак. Чинакам сиёсий рақобатни

<sup>82</sup> Кузатилган 90 ОСКда 24 кузатувчилар гурухи барча кўрилган баённомаларда хато борлигини таъкидлаган, 12 гурух аксар баённомаларда хато борлигини, 31 гурух бальзи баённомаларда хато борлигини таъкидлаган.

<sup>83</sup> ЕХХТнинг 1999 йилда Истанбулда қабул қилинган хужжатининг 24-бандига мувофиқ ЕХХТга иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига “ДИИХТнинг сайлов соҳасидаги баҳолашлари ва тавсияларига дарҳол риоя этиши” мажбуриятини олганлар. Аввалги тавсияларга риоя этилганлигини ДИИХБ қўйдагича баҳолайди: 2014 йилдаги парламент сайловларининг якунлари бўйича берилган 1, 4, 10, 16, 17, 20, 21, 25 ва 26 ракамли тавсиялар тўлиқ татбиқ этилган. 11 ракамли тавсия асосан татбиқ этилган. Тавсиялар 2, 12, 13, 14, 15, 18, 19 ва 22 қисман татбиқ этилган. 2016 йилдаги президентлик сайловларининг якуний хulosаларидағи 2 ва 8 ракамли тавсиялар тўлиқ татбиқ этилган; 3 ва 10 тавсиялар асосан татбиқ этилган; тавсиялар 1, 7, 3, 9, 11, 13, 14, 17, 19 ва 22 қисман татбиқ этилган. Шунингдек, қаранг: paragraph25.odahr.pl.

таъминлаш мақсадида партияларни рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ қонунчилик плюрализмни тарғиб этадиган шаклда талқин ва татбиқ этилиши зарур.

2. Сиёсий ва ижтимоий уюшиш, йиғилиш ва фикр билдириш эркинликлари борасида чекловлар ўрнатиш истисно тарзида, фақатгина зарур бўлганда, демократик тамойилларга амал қилган холда, бундан кўзланаётган ҳуқукий мақсадга мутаносиб бўлганда, ўзбошимчалик ва ўта тақиқлаш тусида бўлмаганида қўлланилишини таъминлаш мақсадида барча тегишли қонун ва қарорлар қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.
3. Номзодларга қўйиладиган истиқомат муддати талабини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиши лозим.
4. Партия ва унинг номзодларига сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш талаби партия ва номзодларни ўзига хос кампания стратегиясини ва услубини белгилашига, жумладан ўзи хоҳлаган тарзда тадбир ўтказиш ва ташвиқот материалларини дизайн қилишга халақит қилмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим.
5. Сўз ва фикр эркинлиги, журналистлар учун маълумотлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқини тўлиқ кафолатлаш мақсадида медиа соҳасидаги қонунчилик қайта кўриб чиқилиши лозим. Ҳақорат ва тухмат учун бериладиган жиной жазони қилмишга мутаносиб фуқаролик жазо чоралари фойдасига тегишли халқаро меъёрларга мувофиқ бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиши керак.
6. EXXT мажбуриятлари ва халқаро стандартларга мувофиқ тарзда, сайлов жараёнида мустақил фуқаролик ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига кузатувчиликни амалга ошириш имконияти берилиши мақсадга мувофиқдир.
7. Шаффоффликни ошириш мақсадида МСК ўз вебсайтида округ ва сайлов участкаси қатламидаги дастлабки ва якуний натижаларни сайлов куни ўтиши билан иложи борича тезроқ чоп этиши лозим.
8. Овоз бериш жараёнининг ишончилилигини ошириш ҳамда кўп маротаба овоз бериш таҳдидини камайтириш мақсадида сайлов куни сайлов участкасида сайловчиларни рўйхатга олмаслик масаласини кўриб чиқиш лозим. Сайловчилар рўйхатига тушмаган сайловчининг маълумотларини рўйхатга киргизиш учун алоҳида, иложи бўлса ҳуқукий назорат остида амалга ошириладиган маъмурий тартиб бўлиши керак.
9. Давомий ва жиддий муаммосага айланган такрор, бошқалар номидан ва гуруҳ бўлиб овоз бериш амалиётига чек кўйиш учун мутасаддиларнинг қатъий ҳаракатлари зарур, жумладан юқоридаги ҳуқуқбузарликнинг амалга оширган сайловчилар ва бунга йўл қўйган УСК аъзоларига қонуний чора кўрилиши лозим.
10. Овоз санаш жараёнининг ҳалоллигини ошириш учун МСК УСК аъзолари қонунан ўрнатилган тартибга амал қилишини таъминлаш механизмини жорий этиши лозим. Сайлов натижаларни атайлаб сохталаштирган шахсларга нисбатан қатъий қонуний чоралар кўрилиши шарт.

## B. БОШҚА ТАВСИЯЛАР

### ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС

11. Оммавий тадбирларнинг, шу жумладан сайловолди ташвиқоти даврида ўтказиладиган йиғилишларнинг барча амалий жиҳатини тартибга солувчи қонун ҳалқаро стандарт ва намунавий амалиётларга мувофиқ тарзда қабул қилиниши лозим. Қонунда йиғилишлар учун рұхсат олиш тизими эмас, маълум қилиш тизими кўзда тутилиши лозим.
12. Мулозимлар БМТнинг Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишни ўйлаб кўриши лозим. Суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилган инсонларнинг сайлаш хуқуқига чеклов қайта кўриб чиқилиши лозим.

### САЙЛОВ МАЪМУРЧИЛИГИ ВА ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ

13. Сайлов маъмуритининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида, МСКга очиқ ва рақобатдаги жараён орқали танланган ОСК ва УСК аъзоларини тўғридан тайинлаш хуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир.
14. Шахсан овоз беришнинг аҳамияти ва бу талабни бузгандарга қонуний чоралар кўрилиши сайлов комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган тренинглар ҳамда фуқаролик таълими дастурларида бот-бот урғуланиши лозим.
15. МСК овозларни санаб чиқиш ва натижани жадвал шаклига келтириш билан боғлиқ ойдин, тўғри кетма-кетликдаги тартиб ва кафолатларни ўз ичидаги мужассам этган қоидаларни тасдиқлаган мажбурий қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараёнларни барча даражадаги ижрочилар тушуниб олишлари учун МСК қадам-бақадам йўриқномаларни ҳамда кўргазмали материалларни ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиши лозим.
16. МСК сайлов участкаларида сайлов куни бунга ваколати бўлмаган бегона шахсларнинг туришига қарши қатъий чора кўриши, мутасадди органлар УСК фаолиятига аралашаётган шахсларга қарши чора кўриши лозим.
17. Муддатидан олдин овоз беришнинг яширинлигини таъминлаш учун, масалан, икки конверт тизимини татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

### САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

18. Қонунчиликда округ ва участка кесимида рўйхатга олинган сайловчилар сонини сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида, жумладан сайловчилар рўйхатини аниқлаштиришдан олдин ва кейин ҳамда сайлов кунидан кейин, чоп этиш МСК мажбурияти кўзда тутилиши керак.

### НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

19. Бир ҳудуддан йиғиши мумкин бўлган қўллаб-қувватловчи имзолар сонининг шифтини камайтириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

20. Имзо тўплашда ҳалоллик чораларини киритиш масалаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.
21. Имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини аниқлашнинг ҳамда имзо варақаларини ҳақиқий эмас деб асослашнинг аниқ, шаффоф тартибини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро намунавий амалиётга мувофиқ, имзо варақадаги маълумотлар чекланган имзолар сонида камчиликларни аниқлаш мақсадидан кўра рўйхатдан ўтказиш учун етарли имзолар сонини аниқлаш нияти билан текширилиши керак.
22. Сайловдан чиқиб кетган номзодлар учун берилган овозларни бекор қилинишини, ишлатилмаган бюллетенларни кўлда ўзгартирилишини ёки бюллетенларни қайта чоп этилишини олдини олиш мақсадида номзодликни бекор қилиш муддатларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## **САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

23. Конунчиликка кампания даврида давлат ресурсларини суиистеъмол қилиш масаласини ҳал этадиган аниқ нормалар киритилиши лозим.
24. Партия ва номзодларга ўз сайлов кампаниясини молиявий режалаштиришида, жумладан партия ва номзодларга фуқаролардан тўғридан тўғри хайрия ёрдамини олиш имконини бериш каби кўпроқ эркинлик бериш мақсадга мувофиқдир. Конунчиликда ушбу ёрдамнинг ҳажми, муддатлари ва усули, ҳамда шахсий манбалардан олинган хайриялар ҳақида ҳисботдорлик талаблари тартибга солиниши мумкин.
25. Шаффофликни ошириш мақсадида, партиялар сайлов кунидан олдин сайлов билан боғлиқ ҳаражатлари ҳақида оралиқ ҳисботини беришини талаб этиш мақсадга мувофиқдир.
26. Конунчиликка ўзгартиришлар киритиш орқали партия молиявий ҳисбодорлиги бўйича талабларни тартибга солиш ва соддалаштириш, ҳамда назорат органлари тафтиш хуносаларини вақтида ошкор этишини таъминлаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## **МЕДИА**

27. Учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун уни ўз платформасида тарқатган ОАВ ёки блоггерларни жавобгар қилувчи конунчилик нормалари бекор қилиниши лозим.
28. Аҳолини партиялар дастурларидан самарали хабардор қилиш учун сайлов даврида медиа партиялар ва уларнинг номзодларининг фаолиятини кўпроқ ёритилишига, сиёсий таҳлилга бой дастурларни узатишга кўпроқ аҳамият бериши мақсадга мувофиқдир.
29. ОАВ таҳририят сиёсатида аёл сиёсий арбобларни, жумладан аёл номзодларни ҳам эркак сиёсий арбобларлар билан тенг тарзда ёритиш масаласига диққат қаратишиги лозим.

## **МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАР ИШТИРОКИ**

30. Сайловларга оид материалларни рус ва қорақалпоғ тилидан бошқа миллий озчиликлар тилида ҳам чоп этиш мақсадга мувофиқдир, айниқса бундай озчиликлар зич яшайдиган ҳудудларда.

## **ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ**

31. Шикоят қилиш муддатларини халқаро намунавий амалиётларга мувофиқ камайтириш масаласини кўриб чиқиш лозим.
32. Такрорий шикоятлар, бир хил бўлмаган ва бир-бирига зид қарор ва ҳукмлар чиқарилишининг эҳтимолини олдини олиш учун икки усуlda шикоят қилиш тизими қайта кўриб чиқилиши лозим.

## ИЛОВА 1: ЯКУНИЙ САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

Расмий натижаларга кўра, 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловида 125 сайлов округидан депутатлар сайланган. Колган 25 сайлов округидан депутатлар 2020 йилнинг 5 январида ўтказилган тақорорий сайловда сайланган.

Партия	Эгаллаган ўрин	Фоизда
Ўзбекистон Либерал демократик партияси (ЎзЛиДеп)	53	35.4
«Миллий тикланиш» демократик партияси (МТ)	36	24
«Адолат» социал-демократик партияси (Адолат)	24	16
Ўзбекистон халқ демократик партияси (ХДП)	22	14.6
Ўзбекистон экологик партияси	15	10
<b>Жами</b>	<b>150</b>	<b>100</b>

МСК аниқлик киритишича, умумий давомат 67.8 фоизни ташкил этган, шулардан 73.3 фоиз Ўзбекистонда, 6.6 фоизи хориждаги сайловчилардир.

ДИИХБ СКМ Марказий Сайлов Комиссиясидан рўйхатга олинган сайловчилар сони, берилган овозлар сони, сайловчилар давомати ҳамда ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенларнинг сони ҳақида маълуот сўраган, лекин ушбу маълумот тақдим этилмаган.

## ИЛОВА 2: САЙЛОВЛАРНИ КУЗАТИШ ХАЛҚАРО МИССИЯСИ ТАРКИБИДАГИ КУЗАТУВЧИЛАР РЎЙХАТИ

### EXXT Парламент Ассамблеяси

Георге	Церетели	EXXT ПА президенти, Махсус координатор	Грузия
Кари	Хенриксен	EXXT ПА делегациясининг раҳбари	Норвегия
Ҳамазасп	Даниельян	EXXT ПА	Армения
Реинхолд	Лопатка	EXXT ПА	Австрия
Лукас	Мусси	EXXT ПА	Австрия
Ахел	Кассеггер	EXXT ПА	Австрия
Марс	Демесмаэкер	EXXT ПА	Белгия
Кириакос	Кириакоу Ҳаджийианни	EXXT ПА	Кипр
Зденек	Ондрасек	EXXT ПА	Чех Республикаси
Жосеф	Хажек	EXXT ПА	Чех Республикаси
Бжорн	Бранденборг	EXXT ПА	Дания
Андреас	Бакер	EXXT ПА	Дания
Хелжо	Пикхоф	EXXT ПА	Эстония
Жоханнес	Керт	EXXT ПА	Эстония
Вилхелм	Жуннила	EXXT ПА	Финляндия
Инка	Хопсу	EXXT ПА	Финляндия
Степҳание	Колтчанов	EXXT ПА	Франция
Фаримах	Дафтари	EXXT ПА	Франция
Франсоис	Жоливет	EXXT ПА	Франция
Ауде	Боно-Вандорме	EXXT ПА	Франция
Манфред	Грунд	EXXT ПА	Германия
Андреас	Счварц	EXXT ПА	Германия
Зсолт	Ссенгер-Залан	EXXT ПА	Венгрия
Франсэссо	Молламе	EXXT ПА	Италия
Пиа	Салифano	EXXT ПА	Италия
Анна	Ди Доменико	EXXT ПА	Италия
Аидин	Кайрбекова	EXXT ПА	Қозогистон
Муктар	Ерман	EXXT ПА	Қозогистон
Гумар	Дюссембаев	EXXT ПА	Қозогистон
Рада	Туманбаева	EXXT ПА	Қирғизистон
Бакит	Торобаев	EXXT ПА	Қирғизистон
Андрежс	Клементжевс	EXXT ПА	Латвия
Игорс	Аизстраутс	EXXT ПА	Латвия
Состел Несулаи	Дунава	EXXT ПА	Румыния
Данути	Пале	EXXT ПА	Румыния
Ионути	Сибинессу	EXXT ПА	Румыния

Алексеи	Корниенко	EXХТ ПА	РФ
Артем	Туров	EXХТ ПА	РФ
Густаво	Палларес	EXХТ ПА	Испания
Ясмине	Посио	EXХТ ПА	Швеция
Маргарета	Сэдерфелт	EXХТ ПА	Швеция
Манучекхр	Салохудинов	EXХТ ПА	Тожикистон
Маделение	Ван Тооренбург	EXХТ ПА	Нидерландия
Аржен	Wэстерхоф	EXХТ ПА	Нидерландия
Алберт	Ван Ден Босч	EXХТ ПА	Нидерландия
Артур	Герасимов	EXХТ ПА	Украина
Ирина	Сабашук	EXХТ ПА	Украина

### ДИИХБ СКМ қисқа муддатли кузатувчилари

Мартин	Россманн	Австрия
Андреа	Вэйсс	Австрия
Ирис	Роурке	Австрия
Сона	Алиева	Озарбайжон
Гулнар	Кхалилова	Озарбайжон
Сергеи	Зхартун	Беларусия
Дмитрий	Шчепачев	Беларусия
Дидиер	Дигнеффе	Белгия
Лаэтитиа Антония	де Радигуёс де Ченневиёре	Белгия
Лаура	Стренс	Белгия
Александре	Митеа	Белгия
Пиетер	Ван Лоо	Белгия
Александар	Василевич	Босния ва Герцеговина
Асим	Доровис	Босния ва Герцеговина
Павел	Ухл	Чех Республикаси
Дараб	Гажар	Чех Республикаси
Жакуб	Крс	Чех Республикаси
Мартина	Сефрова	Чех Республикаси
Жан	Удржал	Чех Республикаси
Том	Хоем	Дания
Слаус Тхомас	Детхлефсен	Дания
Мичаэл		
Эва Аполония	Чилински	Дания
Ларс	Холлаэндер	Дания
Соэрен Бо	Хусум	Дания
София	Свенссон	Дания
Анжа	Силжак	Дания
Сулев	Лаане	Эстония
Эва	Хаахти	Финляндия
Жухо	Корхонен	Финляндия

Сатҳерине	Грезе	Франция
Беноит	Боўйссу	Франция
Чристел	Тхибаулт	Франция
Гуиллауме	Пиерре	Франция
Траоре	Фанта	Франция
Дамиен	Хентрий	Франция
Сйлавайн	Оллиер	Франция
Сабине	Оҳаён	Франция
Wолфганг	Милзоу	Германия
Инго	Др. Рисч	Германия
Мария	Милзоу	Германия
Эделтрауд	Лиер	Германия
Марлене	Сиеск	Германия
Барбара Ҳенриетте	Wäгерле	Германия
Андреас	Др. Диетз	Германия
Бернд	Хеиниг	Германия
Сабине	Пиндур	Германия
Мичаэл	Wахден	Германия
Сусанне	Неймеер	Германия
Амин	Лоуден	Германия
Рандолпх	Галла	Германия
Ким	Грундбачер	Германия
Регине Луисе	Реим	Германия
Янки	Пуэрсуэн	Германия
Лотхар	Муэллер	Германия
Биргит Ута	Wэсклер	Германия
Улрич	Сеэл	Германия
Бенжамин	Смале	Германия
Элена	Лопез Wэрнер	Германия
Анна	Фритzsче	Германия
Мириам Бригитте	Данне	Германия
Марлиен	Счлапхоф	Германия
Фабио	Фреуд	Германия
Ивн	Ковсс	Венгрия
Адам	Ленгел	Венгрия
Нόра	Балогх	Венгрия
Анна	Пкаи	Венгрия
Сигрун	Андресдоттир	Исландия
Олга	Федорова	Исландия
Мара	Морини	Италия
Франсо	Галдини	Италия
Пиеро	Иаина	Италия

Мариано	Аллоди	Италия
Анна Сарла	Ди Сарио	Италия
Сесиле	Мичел	Италия, Франция
Ян	Федотов	Қозоғистон
Ермек	Баизҳанов	Қозоғистон
Сауле	Козубаева	Қозоғистон
Антон	Данилов	Қозоғистон
Чолпон	Омурканова	Қирғизистон
Зҳйлдиз	Кулчунова	Қирғизистон
Кинтижа	Клеина	Латвия
Герда	Дане	Нидерландия
Виллем	Воорхуижзен	Нидерландия
Мауритс	Хеэк	Нидерландия
Мария	Ниженхуис	Нидерландия
Терже	Тходесен	Норвегия
Ингер Марие	Баккен	Норвегия
Ҳақуэ Наваз	Чаудхри	Норвегия
Акхтар		
Габриел . А	Эл Кхили	Норвегия
Андерс	Реирено	Норвегия
Роланд	Чожнаски	Польша
Олга	Куприанович	Польша
Мирсэа	Ламатис	Румыния
Мадалина	Лупу	Румыния
Валерии	Шагеев	РФ
Энвер	Акъмедов	РФ
Сергей	Бабуркин	РФ
Эвгений	Логинов	РФ
Владимир	Новиков	РФ
Сергей	Оверченко	РФ
Борис	Бодров	РФ
Свиатослав	Терентев	РФ
Амир	Билиалитдинов	РФ
Алексеи	Маленко	РФ
Александр	Кобринский	РФ
Александр	Бедритский	РФ
Александр	Летошнев	РФ
Дмитрий	Грошев	РФ
Микҳаил	Кокорев	РФ
Камил	Магомедов	РФ
Диана	Аинетдинова	РФ
Лев	Тарсикӣ	РФ

Владимир	Попов	РФ
Константин	Гуз	РФ
Александер	Мамин	РФ
Сергей	Зенков	РФ
Марииа	Зотс	РФ
Дмитрий	Багдулин	РФ
Александер	Игнатов	РФ
Эгор	Благодатский	РФ
Алексеи	Марков	РФ
Анна	Перелетова	РФ
Герман	Абдуллаев	РФ
Андреи	Молочков	РФ
Кристина	Богданова	РФ
Камилиа	Дзхаббарова	РФ
Юлия	Куденеэва	РФ
Анна	Гозхина	РФ
Висториа	Забийворота	РФ
Павел	Гвоздев	РФ
Эмил	Шикхалиев	РФ
Роман	Кристофик	Словакия
Марек	Варга	Словакия
Филип	Тунжиć	Словения
Роса	Торрегроса	Испания
Сармен	Гарсиа Ауди	Испания
Алваро	Отеро Саверо	Испания
Марие Сигрид	Уттерман	Швеция
Томас	Сжёберг	Швеция
Стиг Леннарт	Гланс	Швеция
Томмий	Карлссон	Швеция
Улф	Оттоссон	Швеция
Слаэс	Пилем	Швеция
Пернилла	Берлин	Швеция
Эва	Римстен	Швеция
Марко	Wрамен	Швеция
Эва	Жакобссон	Швеция
Анна	Лидстром	Швеция
Паэр Олоф Даниел	Олссон	Швеция
Соринне	Жохнсон	Швеция
Ирина	Бернебринг Жоурниэтте	Швеция
Гудлауг	Олафсдоттир	Швеция
Хеинз	Бачманн	Швейцария
Барбара	Эgger Малдонадо	Швейцария

Мажа Барбара	Хуэрлимани	Швейцария
Марио	Барфус	Швейцария
Стефан	Зиеглер	Швейцария
Даниеле	Деспосито	Швейцария
Озгур	Туфекси	Туркия
Эркан	Агаскопаран	Туркия
Бриан	Гиффорд	Бирлашган Қироллик
Валерие	Соломон	Бирлашган Қироллик
Рогер	Брянт	Бирлашган Қироллик
Давид	Тайлор	Бирлашган Қироллик
Стелла	Хеллиер	Бирлашган Қироллик
Адриан	ИАнсон	Бирлашган Қироллик
Andrew	Салдвэлл	Бирлашган Қироллик
Шеррида	Сарнсон	Бирлашган Қироллик
Патрисия	ДеъАтҳ	Бирлашган Қироллик
паул	Миддлемисс	Бирлашган Қироллик
Антхоний	Талбот	Бирлашган Қироллик
Сусан	Триндер	Бирлашган Қироллик
Фиона	Андерсон	Бирлашган Қироллик
Робин	Селлерс	Бирлашган Қироллик
Мартин	Броокс	Бирлашган Қироллик
Мелание	Леатхерс	Бирлашган Қироллик
Петер	Шутак	Бирлашган Қироллик
Паула	Кеавеней	Бирлашган Қироллик
Теренсэ	Дуффи	Бирлашган Қироллик
Стевен	Давис	Бирлашган Қироллик
Нирмала	Гопал	Бирлашган Қироллик
Жоҳн	Эарлс	Бирлашган Қироллик
Эдвард	Багналл	Бирлашган Қироллик
Фредрик (Риск)	Фашн	Бирлашган Қироллик
Катҳерине	Робинсон	Бирлашган Қироллик
Кирон	Реид	Бирлашган Қироллик
Маттхew	Фреар	Бирлашган Қироллик
Георгина	Абоуд	Бирлашган Қироллик
Чрис	Тайлор	Бирлашган Қироллик
Аса	Сусаск	Бирлашган Қироллик
Даллий	Ҳакем	Бирлашган Қироллик
Алий	Вержеэ	Бирлашган Қироллик
Эмма	Типпинг	Бирлашган Қироллик
Марс	Тиллей	Бирлашган Қироллик
Бен	Жонес	Бирлашган Қироллик
Натхан	Соопер	Бирлашган Қироллик

Линда	Беэкман	АҚШ
Мелвин	Ҳагер	АҚШ
Фредерик	Ҳегеман	АҚШ
Лаура	Шерман	АҚШ
Мартин	ЎМара	АҚШ
Ховард	Кантер	АҚШ
Анне	Пескоэ	АҚШ
Нанси	Лубин	АҚШ
Барбара	Сатес	АҚШ
Аарон	Жоҳансон	АҚШ
Мелисса	Стоне	АҚШ
Лане	Бахл	АҚШ
Ҳарис	Софрадзижа	АҚШ
Жоҳн	Жонес	АҚШ
Марй (Марй Кай)	Жудй	АҚШ
Шане	Аҳн	АҚШ
Марк	Лассер	АҚШ
Шеррӣ	Мурпхӣ	АҚШ
Динка	Гюрова	АҚШ
Оставиус	Пинкард	АҚШ
Риссардо	Саннаво	АҚШ
Сусанна	Зарайский	АҚШ
Эмилӣ	Роме	АҚШ
Лиллиан	Лангфорд	АҚШ
Тимотҳӣ	Сомерфорд	АҚШ
Ҳаннаҳ	McМиллен	АҚШ
Карисса	Сайлвестер	АҚШ
Салвин	Риорда	АҚШ

### ДИИХБ СКМ узоқ муддатли кузатувчилари

Элиска	Флидирова	Чех Республикаси
Михал	Кучера	Чех Республикаси
Ёнас	Сковруп Кристенсен	Дания
Халил	Зераргий	Франция
Мария Ирен	Фелман	Германия
Бригит	Хойер	Германия
Кристоф	Видерман	Германия
Валерия	Алдигиери	Италия
Симон	Брочи	Италия
Михиел	Айриш Стефенсон	Нидерландия
Гунн	Бенжаминсен	Норвегия
Элдрид	Ройн	Норвегия

Лаурентий	Влад	Румыния
Борис	Дьяконов	РФ
Андрей	Карбовский	РФ
Всеволод	Перевозчиков	РФ
Юлиана	Петренко	РФ
Катрин	Линден	Швеция
Кайса	Норман	Швеция
Бёрн	Тедеман	Швеция
Роман	Энзлер	Швейцария
Александра	Фон Арх	Швейцария
Габриэлла	Зуллино	Швейцария
Александр	Фолкс	Бирлашган Қироллик
Ховард	Кнайт	Бирлашган Қироллик
Эндрю	Макинтии	Бирлашган Қироллик
Марк	Воллер	Бирлашган Қироллик
Таня	Карпияк	АҚШ
Жесика	Нэш	АҚШ
Жон	Винтерс	АҚШ

### ДИИХБ СКМ негиз гурухи

Тана	дэ Зулуута	ДИИХБ СКМ раҳбари	Италия
Каролин	Гонтиер		Франция
Амируш	Нэджаа		Франция
Кэрстин	Доктер		Германия
Лазло	Белаги		Венгрия
Лаурентий	Хадирча		Молдова
Мянмар	Туменесан		Монголия
Макс	Бадер		Нидерландия
Руслан	Овездурдиев		РФ
Каролина	Семина		РФ
Мартина	Баркер-Циганикова		Словакия
Андерс	Эриксон		Швеция
Фаррух	Журакулов		Тоҷикистон
Пол	Огрейди		Бирлашган Қироллик

## ДИИХБ ҲАҚИДА

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (ДИИХБ) аъзо давлатларга “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни тўлиқ таъминлаш, қонун устуворлигига риоя қилиш, демократик тамойилларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустахкамлаш ва ҳимоя қилишда ҳамда бутун жамият кўламида бағрикенгликни ривожлантириша” ёрдам кўрсатишга чақирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилги Хельсинки саммити хужжати). Бу ЕХХТнинг инсоний ўлчови хисобланади.

Варшавада (Польша) жойлашган ДИИХБ 1990 йилдаги Париж саммитида Эркин сайловлар бюроси сифатида ташкил этилган бўлиб, 1991 йил май ойидан ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач бюронинг ваколати инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш масалаларини ўз қамровига олиши туфайли кенгайиб, бу ўзгаришлар унинг номида ҳам ўз аксини топди. Ҳозирги кунда бюро штатида 150 нафардан ортиқ ходим ишлайди.

ДИИХБ Европада **сайловларни қузатиш** соҳасида етакчи ташкилот хисобланади. Ҳар йили бюро ЕХХТ минтақасида ўтказилаётган сайловлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб қузатувчилар сафарбарлигини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб методологияси сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ДИИХБ аъзо давлатларга сайлов пойдеворини мустахкамлашга кўмак беради.

Бюронинг **демократлаштириш** бўйича фаолияти қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва кўчиш эркинлиги, ҳамда гендер тенглик. ДИИХБ демократик тузилмаларни ривожлантириш бўйича ҳар йили бир қатор аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни амалга оширади.

Шунингдек, ДИИХБ аъзо давлатларга ЕХХТ инсоний ўлчовлари борасида қабул қилинган **инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини** мустахкамлаш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак беради. Бунга терроризмга қарши курашиб шароитларида инсон ҳуқуқларига риоя этиш, одам савдоси қурбонларининг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари борасида ўқитиш ва ўргатиш, инсон ҳуқуқларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва ҳисбот бериш, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлиги каби соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргалиқдаги ишлар воситасида эришилади.

**Бағрикенглик ва камситмаслик соҳалари** доирасида ДИИХБ нафрат, ирқчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва бағрикенглизикнинг бошқа шаклларига қарши курашни қўллаб-куватлашда аъзо давлатларга ёрдам кўрсатади. Бағрикенглик ва камситмаслик борасидаги ДИИХБ фаолияти қуйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик; қонунларни ижро этиш таълими; нафрат асосидаги жиноят ва ҳодисаларни мониторинг қилиш, улар юзасидан ҳисботлар тайёрлаш ва уларга жавобан харакат қилиш; бағрикенглик, ҳурмат ва ҳамжиҳатликни рағбатлантириш бўйича ўқитиши тадбирлари.

**ДИИХБ рома ва синти (лўли)** халқларига нисбатан сиёsat борасида аъзо давлатларга маслаҳатлар беради. Бюро рома ва синти жамоалари орасида имкониятларни ривожлантириш ва алоқалар ўрнатишни йўналтиради ҳамда рома ва синти вакилларининг ҳукумат органларида иштирокини рағбатлантиради.

ДИИХБнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институт ва ўзга мамлакатлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ўтказилади.

Кўшимча маълумотларни **ДИИХБнинг** Интернет тармоғидаги сайтидан олиш мумкин ([www.osce.org/odihr](http://www.osce.org/odihr)).